

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ.**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

„КАСБ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ

“Тасдиқлайман“

Ўқув ишлари бўйича ректор муовини

_____ проф. Р.С. Сайфутдинов

“ ____ “ _____ 2005 й.

«ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР»

фани бўйича

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент - 2005

Ушбу маъруза матни ТКТИ “Касб таълими” кафедраси мажлисида муҳокама қилинди ва “Менежмент ва касб таълими” факультети илмий-услубий кенгашига тавсия этилди.

Баённома № _____ «_____» _____ 200__ й.

Маъруза матни ТКТИ “Менежмент ва касб таълими” факультети илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинди ва талабаларга ўқув қўлланма сифатида фойдаланишга тавсия этилди.

Тузувчилар: доц. А. Хабибуллаев
 асс. А. Содикова

Маъруза матнида таълим-тарбия ва унинг асосий таркибий қисмлари: ўқув мақсадлари ва вазифалари каталогларини ишлаб чиқиш; ўқув мақсадларини назорат-тест топшириқларида акс эттириш; режалаштирилган мақсадлар ютуқларини баҳолаш технологик нуқтаи назардан кўриб чиқилган. Репродуктив (маҳсулдор), самарадор ва изланувчан таълимдаги педагогик технологияларнинг хусусиятлари ёритиб берилган.

Маъруза матни 5140900 - „Касб таълими“ йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

Ўзбекистон педагогик фанлари илмий тадқиқот институтининг директор муовини, педагогик фанлари номзоди З.Зоиров

Педагогик фанлари доктори, У.К.Толипов

МУНДАРИЖА

- 1. МАЪРУЗА. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ**
- 2. МАЪРУЗА. ТАЪЛИМГА УЧ ХИЛ ЁНДАШУВ**
- 3. МАЪРУЗА. ТАЪЛИМГА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ**
- 4. МАЪРУЗА. ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ КАТАЛОГИ ВА МАҚСАДЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**
- 5. МАЪРУЗА. ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИНИ АНИҚЛАШ УЧУН Б.БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИ**
- 6. МАЪРУЗА. ТАРБИЯГА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ. КРАТВОЛ ТАКСОНОМИЯСИ**
- 7. МАЪРУЗА. ЎҚУВ ВА ТАРБИЯВИЙ МАҚСАДЛАРНИ НАЗОРАТ (ТЕСТ) ТОПШИРИҚЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ**
- 8. МАЪРУЗА. БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАЛАРИ**
- 9. МАЪРУЗА. ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ, ВА УЛАРНИНГ ЮТУҚ-КАМЧИЛИКЛАРИ**

1-МАЪРУЗА.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

РЕЖА:

1. Педагогик технология хакида тушунча
2. Бихевиористик таълимот.
3. ЮНЕСКОнинг педагогик технологияга таърифи.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги кўп карра такрорланади. Педагогик технологияларнинг ўзи нима ва у анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади?

Ҳозирги кунда педагогик адабиёт, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий хужжатларда “янги педагогик технология”, “илғор педагогик технология”, “замонавий педагогик технология” иборалари кенг қўлланилмоқда. Аммо "педагогик технология" тушунчаси ҳали ҳам бир қолипга туширилмаган, қомусларда изоҳланганича йўқ, унинг мазмунини ягона талқини ишлаб чиқилмаган ва шунинг учун иборанинг бир-биридан фарқланувчи кўпгина таърифлари мавжуд. Буларнинг орасида эътиборга лойикроғи ЮНЕСКО таърифидир: "Педагогик технология - бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўз олдига таълим шакллари самарадорлаштириш вазифасини қўувчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб, билимларни яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли услубидир".

Бу таърифдаги асосий тушунчалар "**тизимли услуб**" эканлиги равшан, қолган барча сўзлар педагогик технологиянинг тизим сифатидаги таркибий қисмларини ифодалайди. Айнан тизимли ёндошув педагогик технологияни ўқитишга бошқа ёндашувлардан фарқловчи асосий белги ҳисобланади. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш услублари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан боғлиқликда лойиҳалаш - кўпинча анъанавий ўқув жараёнида етишмайдиган нарсалардир. Масалан, кўп ҳолларда таълим, асосан, ахборотни эслаб қолишга йўналтирилган, таълим олувчининг бўлажак фаолияти эса муайян ишларни бажариш ёки ташкилий, бошқарув ва касбий қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлади. Бошқа мисол: ўқув юртларидан бирида таълим олувчилар билимларини назорат қилиш услубини маъмурият барча фанлар учун бир хилда, уларни ҳар бирининг хусусиятларини ҳисобга олмай асоссиз белгиланган. Афсуски бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Педагогик адабиётда педагогик технологияга берилган бошқа таърифлар (В. Беспалько, В. Гузеев, В. Сластенин, Б. Лихачев, И. Волков, М. Чошанов, М. Клартин, И. Лернер, Ч. Юдин ва бошқалар) ҳам келтирилади, аммо уларнинг биронтаси ЮНЕСКО таърифи даражасига кўтарила олмаган. Айтиб ўтилган олимлар орасида педагогик технология тўғрисидаги ахборотни МДХ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда таралишида

В.П. Беспалько ва М.В. Кларинларнинг таъсири кучлироқ. М.В. Кларин педагогикадаги технологик ёндашувнинг таркибий тузилиши ва мазмуни тўғрисида бирмунча тўларок маълумотларни эълон қилган.

Педагоглар фаолиятида баъзида "педагогик технология" тушунчаси билан фойдали бўлсада аввал ўзлаштирилган ва технологик қурилмаган ўқитиш услублари аталади. Аслини олганда, педагогик технология - бу ўқитишни ўзига хос бўлган янгича (инновация) ёндашувдир. У педагогикадаги ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг ифодаланиши, технократик илмий онгнинг педагогика соҳасига кўчирилган тасвири, таълим жараёнининг муайян стандартлашуви ҳисобланади.

Фикримизча, педагогик технологияга ўқув жараёнини рўёбга чиқариш давомида турли ўқитиш услубларидан фойдаланишнинг муайян умумий меъёрларини белгиловчи йўлланма, гўёки қолип сифатида қараш мумкин.

“Технология” атамаси орқали ашё ёки ярим хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириш учун ҳулосаси хусусиятларини ўзгартириш усуллари мажмуаси тушунилади ва у моддий ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқлидир. Шу боис интеллектуал соҳага тегишли педагогнинг таълим-тарбия фаолиятини “технологиялаштириш” мумкинми? деган савол туғилиши табиийдир. “Педагогик технология” тушунчасининг киритилиши асосланганми?

Яқинларгача шахмат ўйновчи, матнларни бир тилдан иккинчисига таржима қилувчи ва бошқа интеллектуал юмушларни бажара олувчи техник қурилма яратилиши мумкинлигига ишониш мумкин эди. Ишлаб чиқариш соҳасидан кўчирилган ва кишилар интеллектуал фаолиятининг айрим қисмларини алгоритмлаш каби акс жараён ҳаётга кириб келди. Бу эса педагогик назария ва амалиётда янги йўналишлар пайдо бўлишига олиб келади.

Педагогик технология кўп жиҳатдан ўтмишдаги машҳур педагогларнинг орзуларига мос келади. Дидактиканинг асосчиси Ян Амос Коменский ўн еттинчи асрдаёқ таълимнинг "ват, фанлар ва услубларни мохирона тақсимлашдан" бошқа нарсани талаб қилмайдиган умумий тартибини топишга ҳаракат қилганди.

Коменский фикрича, идеалда ўқитишнинг ягона мукаммал услуби топилса, "ҳамма нарса тошлари тўғри мувозанатланган соатдек аниқ, фақат ана шундай маҳорат билан яратилган асбобда эришиш мумкин бўлган беҳатолик билан илгарилайди".

Саноатда техник ҳужжатлар талабларига аниқ риоя қилиб, ижрочининг шахсига боғлиқ бўлмаган ҳолда қафолатланган натижа берадиган минглаб технологик жараёнлар ишлаб чиқилган. Бундай технологик жараённинг асоси бўлиб деталнинг ишчи чизмаси ва йиғма бирликлар чизмаси хизмат қилади. Уларнинг талабларига аниқ риоя қилиш деталларнинг ўзаро алмашинувчанлигини таъминлайди, технологик жараённинг такрорланадиган қадамлари эса қайта тикланадиган технологик тузилмани ташкил қилади. Мана шунинг учун ҳам Ўзбекистонда чет эл технологияси асосида ишлаб чиқариладиган автомобилнинг сифати Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган автомобил сифатидан фарқ қилмайди.

Такрорланадиган тузилмани педагогикада яратиш қийин. Бунга ўқув (таълим-тарбиявий) вазифаларнинг хилма-хиллиги, таълим мазмуни

бўлаклари ва ўқув материали турларининг ҳар хиллиги, уларни билиш фаолияти услубининг бир хилда намоён бўлмаслиги ва кўплаб бошқа омиллар тўсқинлик қилади.

Шундай бўлсада, АҚШда таниқли олимлар Б. Блум, Д. Кратвол, Н.Гронлунд, Ж. Керролл, Ж. Блок, Л. Андерсон ва бошқалар ҳаракати билан режалаштирилган натижаларга эришишни кафолатлайдиган, такрорландиган педагогик тузилмани ўз ичига олган педагогик технология ишлаб чиқилганди.

Саноатда “юксак технологиялар” ибораси бор. Улар, одатда, жуда мураккаб бўлади, катта сармоялар сарфланишини талаб қилади, фаннинг сўнгги ютуқларига асосланади, ходимлардан махсус тайёргарликни талаб қилади. Шундай бўлсада, улар маҳсулотнинг юқори сифати ва рақобатбардошлигини, пировард натижада салмоқли фойдани таъминлайди. Педагогик технологияни ўқитишдаги “юксак” услубият қаторига киритиш мумкин, аммо унинг жорий қилиниши катта сарфларни талаб қилмайди. Таълим сифатининг калити пировард оқибатда алоҳида ўқув юрти ва аниқ ўқитувчи дейдиган бўлсак, педагогик технологияни ўзлаштириш, асосан, педагогларни ўқитишни талаб қилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, таълим самарадорлигини оширишга технологик ёндошув АҚШда ўттиз йиллар муқаддам шаклланган эди.

Педагогик технология (бу иборанинг бирламчи тушунчасида) бихевиоризм ғояларига асосланади. Бу йўналишнинг психологиядаги энг муҳим қонунлари организмнинг қўзғаткичи (стимуляция) билан унга жавоби ўртасидаги алоқани бир маънолилигининг сўзсиз тан олинисидир. Бу таълим жараёнини тажриба-синов тарзида ўрганишга ҳам, бу жараёни бошқаришга ҳам бир хилда дахлдордир. Биз организмда содир бўлаётган ички жараёнлар тўғрисида (шу жумладан, психик жараёнлар тўғрисида ҳам) ташқи кузатиладиган ҳаракатларни таҳлил қилмай туриб ҳеч нарса била олмаслигимиз шубҳасиз далил эканлигидан келиб чиқсак, бихевиористлар қўзғаткич билан жавоб таъсир ўртасидаги алоқани ўрганиш билан чекланади. Бу чекланиш бихевиоризм аҳамиятини камайтиради, чунки ҳар қандай назария бевосита кузатишдан яширинган у ёки бу қонуниятларни билишни назарда тутди.

АҚШда "бихевиорист" (хулқ-атвор бўйича мутахассис, тестолог) - жуда нуфузли, юқори ҳақ тўланадиган касб ҳисобланади. Ж.Уотсон, Э. Торндайк, С. Пресси, Б. Скиннерни педагогик технологияга замин тайёрлаган дастурлаштирилган таълимнинг "отаси" дейишади.

Бихевиористик таълимотнинг асосини “рағбат-ҳатти-ҳаракат” (S-R) ибораси ташкил этади. Соддароқ қилиб айтганда киши хулқ-атвори рағбатлантирувчи таъсирдан келиб чиқади. Бихевиоризм ғояларининг кенг ташвиқотчиси Д.Уотсон доимо шу нарсани таъкидлар эди. “Тўғри қўлланилган рағбатлантириш ва уни ижобий қўллаб-қувватлаш киши хулқ-атворини ўзгартиришда ва ҳатто шахсни шакллантиришда беқиёс имкониятларни очиб беради”. У ёзган эди: “Ҳар жойдаги асосий мақсадим - рағбатлантириш воситалари ва уларни келтириб чиқариш ҳақидаги аниқ билимларимни кенгайтиришдир”.

Америка педагогикаси бихевиористик рағбатлаш ва қувватлаш назариясини қабул қилган. У таълим жараёнида эгалланган билим, кўникма,

фикрлаш тарзи, баҳолаш, хулқ каби хатти-ҳаракатлар мажмуасини намоиш этишни олдинги қаторга олиб чиқди. Масалан:

- матндаги атайлаб йўл қўйилган хатони ўқиб чиқиб, ҳеч бўлмаганда 90 фоиз аниқликда топиш;
- ўқувчилар уч хоналик ўнта сон устида беҳато амаллар бажараолишни намоиш этадилар;
- “Гамлет”ни ўқиб чиқиб, унинг қисқа мазмунини ёзма равишда ифода қиладилар;
- ўқувчи хайвонларнинг атроф-муҳитга қандай мослаша боришини тасвирлаб беради;
- кутубхонада мустақил ишлаб ўқувчи ўз гуруҳида маълум мавзу бўйича маъруза қилаолади;
- қурбақанинг ички аъзоларини жарроҳлик йўли билан аниқлайди.

Юқоридаги мақсадларни муайянлиги ва аниқлигини қайд этиш зарур, худди шундай аниқ мақсадлар бизларнинг мактабларимиз, олий ўқув юртларимизда етишмайди.

Яхши жавоб хатти-ҳаракатга (билим, кўникма ва ш.ў.) мукамал ўйлаб топилган ва ўқувчилар эҳтиёжига мос келадиган рағбатловчи воситалар орқали эришилади. Бундай шароитда фаол ва мустақил бўлмаган ўқиш истиснодир. Необихевиоризм тарафдорлари тавсиясига кўра ривожланаётган тарбия жараёни ўқув юртида кучли ақлий фаолият, уни самарали бошқариш алгоритми, мустақил иш, юксак натижа учун кураш ва ўзаро мусобақа руҳини ташкил этишга қаратилган. Бу эса ишбилармонлик, саранжомлик, тадбиркорлик - хуллас, “индустриал шахс”ни тарбиялаш демакдир. Ўқув тарбия жараёнида асосий ўрин компьютерларга берилади.

Бихевиористлар асарлари тестологиянинг қарор топишига олиб келди. Тестология ҳам аввалги қаттиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимида худди педагогик технология каби “буржуазия” фани доирасига киритилганди. Мустақил Ўзбекистон МДХ мамлакатларида биринчи бўлиб жаҳон педагогика фанига “дарча” очди ва олимлар учун чет эл фанининг амалда ўзини оқлаган натижаларини танлаб олиш ва Ўзбекистон анъаналари ва тажрибасини назарда тутиб, фойдаланиш имкониятларини яратди.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Педагогик технология, тизимли услуб, таълим жараёнини лойиҳалаш, такрорланувчан таълим натижалари, дастурлаштирилган таълим, бихевиоризм таълимоти, стимул-реакция.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Педагогик технологиялар анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади?
2. ЮНЕСКО нинг педагогик технологияга таърифида нимага урғу берилган?
3. Педагогик технологиялар бўйича кимлар иш олиб борганлар?

4. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Саноатдаги технология тушунчасини педагогик технология тушунчасига таққосланг.
6. Педагогик технологияларнинг пайдо бўлишида бихевиористик таълимотнинг қандай ғояларидан фойдаланилган?
7. Дастурлаштирилган таълим деганда нимани тушунасан?
8. Педагогик технологияда таълим натижаларининг фойдаланишига қандай талаблар қўйилади?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. Ташкент, 1997.
2. Беспалько Б. П. Слагаемые педагогической технологии. М.: Педагогика, 1989.
3. Вертгеймер М. Продуктивное мышление. М.: Прогресс, 1987.
4. Гузеев В. От методик - к образовательной технологии. // Народное образование. 1998, N5.
5. Дахин А. Н. Педагогический мониторинг: концепция и применение. // Школьные технологии, 1997, N 3.

2-МАЪРУЗА. ТАЪЛИМГА УЧ ХИЛ ЁНДАШУВ

РЕЖА:

1. Оғзаки-курғазмали (иллюстратив) ёндашув.
2. Изланувчан ёндашув.
3. Педагогик технологиялар.

Маълумки, педагогикада талабаларнинг таълим жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган бир неча ўқитиш услублари ишлаб чиқилган: муаммоли ўқитиш, иш фаолиятини ифодаловчи ўйинлар, роллар бажариш, мавзувий ўқитиш ва ҳоказо. Аммо улар олий таълим тизимида кенг қўлланилади деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча бунинг сабаби ҳар бир машғулотга тайёргарлик педагогик изланишни кўзда тутиши, юксак касбий маҳоратни, ижодий ёндошув ва кўп вақтни сарфлашни талаб қилишида бўлса керак. Одатда, ҳар бир бундай машғулот сценарийси ўзига хос хусусиятга эга ва такрорланмасдир.

Оғзаки – курғазмали (иллюстратив) ёндашув
--

У анъанавий бўлиб ва асосан ўқитувчининг ахборот бериши, талабаларнинг билимни қабул қилиши, тўплаши ва хотирасида сақлаши билан белгиланади.

Шу билан бирга, К.Г. Марквардт (1981) фикрига кўра, “билим” тушунчасининг асл моҳияти хотирада сақланувчи ахборот сифатида қаралади. Бундай билимлар, уларни қўллай олиш кўникмалари орқали текшириб кўрилади (имтиҳонларда), яъни ҳеч қандай қўлланмасиз хотирадаги билимларни тўғридан-тўғри саволларга жавобан ифода этиш. Бу тизимдаги билимлар - асосан эсда сақлаб қолиш натижаси, кўпинча расмий маълумотдир. Улар хотира тубидан юзага келтирилади ёки бошқа сўз билан айтганда, фақат унга қаратилган тўғридан-тўғри савол қўйилганда эсга олинади. Қайта эсга олиш даражасидаги билим узоқ вақт хотирада сақланмайди. Керакли пайтда кийинчилик билан эсга олинади, айрим ҳолларда эса умуман эсга олиб бўлмайди.

Маълумот бериш тизимида тайёр билимларни “ўқитувчи-талабаларга”, бу билимларга уларнинг эҳтиёжи ва фаоллик даражаси боғлиқ бўлмаган ҳолда, бевосита бериш мумкин бўлган имкониятидан келиб чиқишади. Шунга кўра ўқитувчининг асосий вазифаси - зарурий ахборотни маълум қилиш ва уни хотирада мустақкамлаш устида ишлашдир.

Бундай ўқув жараёнида ўқув предмети соатлар миқдори, ваъз, лаборатория ва амалий машғулотлар оралиғидаги соатлар тақсимооти, дарс ўтиш жойи қатъий белгилаб олинади. Лекин педагог масъулиятига тегишли таълим натижаси деярли ҳисобга олинмайди.

В.Гузеевнинг таъкидлашича, анъанавий услубда таълим мақсадлари дастур талабларига мувофиқ ҳолда ноаниқ тасвирланиб, таълим олувчиларнинг “ўзлаштириш” тушунчаси қобиғига ўралган қандайдир

ноаниқ тасаввур билан тавсифланади. Кўпроқ ютуқларга эришган ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини умумлаштириш асосида таълим жараёнлари ташкил этилади. Ҳар бир аниқ вазият учун илғор ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти намунаси кидирилади... , аммо таълимнинг бир қатор олимлари ва амалиётчилари алоҳида услубиётларнинг даври ўтганлигини ва ҳар қандай илғор педагоглар тажрибаларини умумлаштириш (агар умуман ноёб ҳодисаларни умумлаштириш мумкин бўлса) тизимли ва мақсадга йўналтирилган, гаровланган, самарали таълимни қуриш имконини бермаслигини қайта-қайта таъкидлашмоқда [4].

Таълимда оғзаки-кўргазмали ёндашув жуда катта тажрибага эга ва қисмларга ажратилиб ишлаб чиқилган бўлиб, таълим тизимида улкан хизмат кўрсатди. У биров бўлсада такомиллашувни давом эттирмоқда, аммо бу такомиллашув ёндашувнинг қонуниятлари доирасида чеклангандир. Жадал суръатлар билан ўсиб бораётган фан ва техника талаблари, таълим тизимидаги ислохотлар рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, шахсни ривожлантириш, унинг маълумот олиш истакларини қондиришга бўлган жамият эҳтиёжлари ҳамда ўқитиш услублари ўртасида зиддиятлар туғилишига олиб келди.

1-жадвал

Шахсий маҳорат	Умумий технология
1. Жараён бошидан охиригача ходим томонидан бажарилади	1. Жараён бўлакларга ажратилади, ҳар бир ходим ўз бўлагини бажаради
2. Жараёнга боғлиқ барча билим ва иқир-чиқирларни билиши зарур	2. Фақат ўзига биркитилган жараён қисмини билиши зарур
3. Барча ишни ўзи бажариши зарур	3. Барча ишни қилишни инкор этувчи “тайёр” ишланмалар тадбиқ этилади
4. Жараён давомли (узоқ)	4. Жараён бир мунча тезлашади
5. Маҳсулот сифатли	5. Маҳсулотнинг сифати кам эмас
6. Ички туйғу, сезги ва тажрибага асосланади	6. Илмий асосланган ҳисоб ва билим
7. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи имкониятлари билан чекланади	7. Маҳсулот айрим ишлаб чиқарувчиларнинг имконияти билан чегараланмайди. Оммавий ишлаб чиқаришни уюштириш мумкин

Педагогик технология

И.П. Подласыйнинг [18] таъкидлашича: “Технология яратилгунча шахсий маҳорат ҳукмронлик қилади. Эртами, кечми, шахсий маҳорат “жамоа маҳоратига” айланади ва унинг мужассам ифодаси бўлиб технология хизмат қилади.”

Энг аввало, таълимга технологик ёндашувнинг умумий тавсифномаси (қисмларга ажратмаган ҳолда), таълимнинг жуда оддий маҳсулдор даражаси сифати мисолида қараймиз. Бундай вариантнинг танланиши М.В.Клариннинг

“Педагогическая технология в учебном процессе” асарида келтирилган тизимга мос келади [8].

Маълумки, маҳсулдор таълим ўқувчиларни ёд олинган қоидалар асосида, бир хил вазиятдаги намуна бўйича хатти-ҳаракатларини ўзлаштириш имконини беради. Кўпчилик ўқув режалари натижали даражада ўзлаштирилса ҳам, унда маҳсулдорлик белгилари иштирок этади ва у талабаларда одатдан ташқари вазиятдаги вазифаларни маълум қоидаларни жамлаган ҳолда янги алгоритм яратиб ечиш кўникмасини ҳосил қилади.

“...Муқаддам қўлланилган ва ўқитувчи учун ишлаб чиқилган дарсма-дарс услубий ишланма ўрнига педагогик технологияда ўқувчининг ўқув-ўзлаштириш жараёнининг таркиби ва мазмунини аниқлаб берувчи ўқув жараёни лойиҳаси таклиф этилади” деб ёзган эди В.П. Беспалько [2].

Педагогик технология доирасида маҳсулдор даражадаги таълим аниқ қайд этилган ва қисмлари тавсифланиб, қўтилган натижалари билан асл ҳолича қайтариш лозим бўлган конвейерли жараён сифатида кўрилади. Ўқув ашёлари аниқ қайд этилган ўқув мақсадига мос ҳолда ишлаб чиқилган, махсус қисмларга (модулларга) ажратилган, ўқув мавзуларини тавсия этишининг вариантли йўллари кўзда тутади, ҳар бир қисми тест ва қўшимча тузатишлар киритиш билан ҳамоманг бўлади. Ўқув ишлари юқори натижаларга эришишга қаратилган. Бундай йўналтирилганлик машғул бўлиш, мусобақаланиш ва ўзаро ёрдамлашиш тушунчаларидан халос эмас. Шу билан бирга у бутун таълим жараёнига маҳсулдор кўриниш беради. Шунинг учун ҳам у энг зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўргатишда кўпроқ самара беради. В.И. Орлов (1998) шундай дейди: “Ҳозирги пайтда маҳсулдор (репродуктив) ўқув жараёнига иккинчи даражали деб қаралмоқда. Ҳолбуки, одамлар бутун ҳаёти давомида фақат маҳсулдор меҳнат билан банддир, акс ҳолда у ўзини энг зарур нарсалар билан таъминлай олмас эди. Тарбияланувчилар фаолиятида маҳсулдорлик асосий ўринни эгаллаши зарур ва шундай шароитдагина энг зарур билимлар ҳажмини эгаллаши ва ижод учун муносиб шароит яратиши мумкин”.

Шуни таъкидлаш жоизки, маълум шароитларда бир ўқув мавзусини маҳсулдор усулда иккинчисини - изланувчан-тадқиқот усулида ўзлаштириш қулайдир. Шундай қилиб, маҳсулдор ўқиш босқичида педагогик технологияни ўзлаштириш изланувчан-тадқиқот усулига асосланган педагогик технологияга ўтишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилади.

Фақат бошланғич даврда маҳсулдорлик босқичига асосланган, мураккаб бўлмаган ўзлаштириш жараёнини эгаллай бориб юқорироқ бўлган изланувчан-тадқиқот ёндашувига ўтиш мумкин бўлади. Технологик ёндошувни қўллаш қўйилган ўқув мақсадларига албатта эришиш имконини беради. Бундай самара берувчи механизмлар кейинги бобларда ўз аксини топган.

2-жадвал

ТАЪЛИМГА ЁНДАШУВНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФНОМАСИ

Тушунтирув-намоиш (анъанавий)	Технологик	Изланувчан
----------------------------------	------------	------------

Ўқитувчининг талабага маълумот бериши Аниқ бўлмаган ўқув мақсадлари Тайёр билимларни баён қилиш Суҳбат ва ҳикоя - таълим беришнинг устувор ташкилий шакллари Тасвирчилик ва маълум даражада қотиб қолганлик Билимларни мажбурий тарзда эсда сақлаб қолиш Ахборотни хотирада сақлаб қолиш, мустақамлаш ва тўплашга доимо ундаш Билиш босқичларини бир бутун тизимга етарлича боғланмаган фанлар ташкил этади Машғулотлар (асосан) академик характерга эга ва мутахассисларнинг бўлғуси фаолияти билан етарлича боғлиқ эмас	Тизимли ёндашувдан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини лойиҳалаш Кўзланган андозага кўра таълим олувчининг кузатилиш мумкин бўлган ҳаракатларининг жамламаси кўринишида ўқув мақсадларини мумкин қадар аниқлаштириш Таълим олувчиларнинг хатти-ҳаракатлари орқали ўқитиш Таълим олувчилар билан алоқа боғлаш ёрдамида таълим жараёнига тузатишлар киритиш Шакллантирувчи ва умумлаштирувчи баҳолар Мезонли назорат (тест ўтказиш) Билим ва кўникмаларни тўлиқ ўзлаштириш Режалаштирилган натижаларга кафолатли эришиш Таълимнинг самарадорлиги	Муаммоларни ечиш Ўқув тадқиқоти Предметлараро алоқа Фаразларни олға суриш ва текшириш Маълумот тўплаш Моделлаштириш, синов тажриба (эксперимент) Рефлексив, танқидий, ижодий тафаккур Кўп мезонлик, асосланганлик Хулоса чиқариш Роль бажариш Шахсий маъно топишга интилиш Хулқ-атвор, маънавият, ижтимоий масъулият, тафаккурни юксалтирувчи янгиликларга нисбатан ҳозиржавоблик
---	---	--

Изланувчан ёндошув

Бундаги мақсад ўқувчиларда муаммони ҳал этиш, янги, охиригача тугалланмаган тажрибани мустақил ўзлаштириш, таъсир этишнинг янги йўллари яратиш қобилиятларини, шахсий идрокни ривожлантиришдан иборатдир.

Изланувчан таълим андозасининг таълим мазмуни, табиат ва жамият билан ўзаро таъсири натижасида шахс тадқиқотчилик ва жадал ижодий характерли фаолият йўлига бошланади.

Шу билан бирга педагог таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқаришда демократик, рағбатлантирувчи йўл тутди, уларнинг шахсий ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, ҳамкорликда ишлашга даъват этади, ўқувчилар ўқув фаолиятининг оператив-техник жиҳатларини ўзлаштиришга қадар унинг аҳамияти ва рағбатларини биринчи ўринга олиб чиқади. Аввал таъкидланганидек, ҳозирга қадар ўқитишда изланувчан ёндошувни ўз ичига олувчи педагогик технология кўринишлари ишлаб чиқилган.

Ўқув жараёнининг технологик шакл модели ва унинг амалий тадбиқи янгилик хусусиятига эгадир ва анъанавий таълимни қайта шакллантиради.

Таъкидлаш лозимки, педагогикада ҳам технологик, ҳам изланувчан ёндошувлар зарур: ҳар бирининг қўлланиладиган ўрни бор ва уларнинг мақбул равишда бирга қўшиб олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Олдин эслатиб ўтилганидек, бугунги кунга қадар ривожланган давлатларда таълимнинг турли даражалари учун педагогик технологиянинг андозалари ишлаб чиқилган, жумладан, натижали ва изланувчан-ижодий таълим учун, улар ҳақида кейинчалик сўз юритилади.

Ўзбекистон педагоглари педагогик технология билан етарлича таниш эмаслар. Албатта, бу ҳолатни тузатишга жиддий эътибор қаратиш зарур. *Кўп босқичли таълим тизимида, янги стандартлар ва дастурлар доирасидаги таълим жараёнини эскирган услубият бўйича олиб борилишига йўл қўйиб бўлмайди.*

Таълим тизимидаги кенг қамровли таркибий ислохотларни республика педагоглари илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнига қўллаш билан мустаҳкамлашлари зарур. Аввал таъкидланганидек, бунинг учун педагогларимизни ўқув жараёнига технологик ёндошувларини ўргатиш талаб этилади, бу эса педагогик технологиядан фойдаланишдан ташқари уни Ўзбекистон маданияти, анъаналари ва тажрибаси билан бойитишга олиб келади.

Технологик ёндашув доирасида яратилган дидактик лойиҳалаш усулларига бўлган муносабатингиз ўқув жараёнини самарали ва шу билан бирга ўқув жараёнини ижодий режалаштириш, янги фикрлар билан бойитиш, уларнинг натижаларини баҳолашга ёрдам беради.

Дарсликлар яратувчи муаллифлар ҳам педагогик технология асосида ўқитишнинг хусусиятларини ҳисобга олишлари жуда муҳимдир.

Қайд этиш жоизки, анъанавий ўқув жараёнида технологик ёндашувни тўлалигича эмас, балки айрим қисмларини қўллаш (уларни ўзлаштирилганлиги ва тегишли услубий таъминотнинг тайёрлигига қараб) мумкин. Бу, энг аввало, педагогик технологиянинг ядроси, маркази ҳисобланган алоҳида ўқув мақсадларини аниқлаштириш усулларига тегишлидир. Улар кейинги бобларда ёритилган.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Таълимга оғзаки-кўргазмали ва технологик ёндашув, шахсий маҳорат ва умумий технология, таълимга изланувчан усулда ёндашув.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Таълим беришга (2-жадвалга мувофиқ) уч хил ёндошувни таърифлаб беринг.
2. Мосликни аниқланг:
 1. Анъанавий ўқув жараёни А. Тизимий ёндашув асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш.
В. Ахборотларни ёдлаш, хотирада сақлаш ва жамлашга ундаш.
 2. Педагогик технология Д. Тайёр билимларни ўқитувчи томонидан талабаларга етказилиши.
Е. Андоза кўринишидаги, кутилган натижа шаклидаги ўқув мақсадини мумкин қадар аниқлаштириш.
Ф. Режалаштирилган ўқув мақсад-ларига кафолатли эришиш.

Тўғри жавоб: 1-В,Д; 2-А,Е,Ф

3. Мосликни аниқланг:

- | | |
|--------------------------------|--|
| 1. Маҳсулдор
таълим жараёни | А. Қоидани ўзлаштириш ва шу асосида турдош
масалаларни ечиш.
В. Белгиланган мавзуда иншо ёзиш. |
| 2. Натижали
таълим жараёни | Д. Амалдаги вазият таърифига асосан қарор
қабул қилиш.
Е. Геометрия дастуридаги теоремани исботлаш.
Ф. Аввал ўзлаштирилган қонун-қоидаларни бир
тизимга келтириб, масалани ечиш алгоритмини
тузиш |

Тўғри жавоб: 1- А, Е; 2 - В, Д, Ф

Фойдаланилган адабиётлар

1. Джумабаева Ф. А. Повышение качества обучения и объективности оценки знаний студентов на основе инвариантных тестов. || Автореф. дис. на соиск. уч. ст. канд. пед. наук. Ташкент, 1999.
2. Кларин М. В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: Знание, 1989.
3. Кларин М. В. Метафоры и ценностные ориентации педагогического сознания. // Педагогика, 1998, № 1.

3-МАЪРУЗА.

ТАЪЛИМГА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ

РЕЖА:

1. Укув жараёнини дойихалаш.
2. Педагогик технологиянинг тузилиши.

Таққосланадиган (идентификация-лашган) ўқув мақсади	Таълимни қандай қилиб қафолатланган натижага олиб келувчи ўзига хос технологик жараёнга айлантириш мумкин? Қандай қилинса оддий педагог ўқитишда юқори самарага эриша олади?
Б.Блумнинг билиш соҳасидаги ўқув мақсадларининг таксономияси	Ушбу саволга таълим жараёнида қўлланиладиган технологик ёндошувни баён этиш билан жавоб бериш мумкин. Бунда асосий эътибор ўқув жараёнини лойиҳалаш босқичига қаратилади.
Ўқув мақсадларининг асосий тоифалари	Маълумки, саноатда замонавий технология меҳнатни кенг тақсимлашни кўзда тутди. Маҳсулотни лойиҳалаш ва уни тайёрлаш технологиясини юқори малакали мутахассислар амалга оширади. Бунда, аввало барча икир-чикирларни аниқ, узил-кесил ифодаладиган, нима ва қандай тайёрланиши кўрсатилган лойиҳа ишлаб чиқилади, шундан кейингина маҳсулотни тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бошланади.
Ўқув мақсадларининг рўйхати (каталоги)	
Эквивалент тажриба қоидаси	Муайян вазифани бажарувчи ишчилар техник ҳужжатларнинг талабларига қатъий риоя қиладилар. Натижада ўрта миёна маҳорат билан анча мураккаб вазифани бажаришга имкон яратилиб, тайёр маҳсулотнинг юқори сифати таъминланади.
Ўхшаш тажриба қоидаси	
Мустаҳкамлайдиган ҳаракат қоидаси	Педагогик технологияда ҳам ўқитиш жараёнини лойиҳалаш босқичига ва аввало таълимнинг кутилажак натижаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бизнинг фикримизча, технологик ёндашувнинг дастлабки босқичида дидактик воситаларни ишлаб чиқишни бир гуруҳ тажрибали услубчи ўқитувчиларга топшириш мақсадга мувофиқ бўлади.
Билимни муттасил мустаҳкамлаб бориш тамойили	

Педагогик технология пайдо бўлгунга қадар бошқа масалалар қаторида мураккаб қурилма ва жараёнларни лойиҳалаш ўрганиладиган таълим тизимида айнан таълим жараёнининг ўзини самарали лойиҳалаш қондаси ишлаб чиқилмади. Бу бўшлиқни педагогик технология тўлдирди ва айни замонда лойиҳалаштирилган ўқув жараёнини рўёбга чиқаришга ижодий ёндашуви учун педагогга кенг ўрин қолдирди.


Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндошув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, оралиқ натижаларни ташхисли текшириб бориш, таълимни алоҳида ўқитиш лавҳаларига ажратиш каби усуллар ҳозирги кунга келиб қайта-қайта такрорлаш мумкин бўлган таълим технологияси ғоясида мужассамланган.

У асосан ўз ичига қуйидаги омилларни олади (бунда уларнинг қисқа мазмуни берилган):

- таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- ўқувчиларнинг билим даражаларини дастлабки (ташхисли) баҳолаш;
- бажариладиган ўқув тадбирлари мажмуаси (бу босқичда ўқувчилар билан мулоқот асосида таълимга жорий тузатишлар киритилиши лозим);
- натижани баҳолаш.

Қайта такрорланиш хусусиятли, ушбу тизим “модуль” шаклига эга бўлиб, мазмунлар билан тўлатилган ва умумий таркибга боғланган бирликлар, жамламалардан ташкил топади (1-расм)).



1-расм. Ўқув жараёнини лойиҳалаш

Амалда бу педагогнинг қайта-қайта такрорланувчан ҳаракатининг алгоритмидир. Ушбу алгоритмнинг янги ва янги бўлимларга қўлланилиши (тегишли ўқув мақсадлари, аниқ назорат усуллари ва таълим жараёнлари билан) ўқув жараёни кўламини қамраб олади.

Бундай алгоритмни аниқ ва муваффақиятли тузиш натижасида ўқув мақсадлари тўла-тўқис стандартлашган тилга ўтказилади. Стандартлашувнинг меъёри қуйидагича бўлиши мумкин:

- а) юқори, аммо мутлақ эмас;
- б) мутлақ;

Биринчи ҳолатда мақсаднинг мураккаблиги уни тўлиқ кузатиш мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар тилига айлантириш имконини бермайди, цикл тўлалигича қайта ишлаб чиқилмайди.

Иккинчисида биз такрорланувчан жараён бўлган таълимнинг репродуктив (маҳсулдор) тури билан иш юритамиз. Мулоҳазани шундан бошлаймиз.

Ўқув жараёнини педагогик технология асосида ташкил этишнинг режаслаштириш босқичида, етакчи услубчи-педагоглар гуруҳи педагогик технологиянинг қонун-қоида ва тамойиллари асосида услубий ашёларни ишлаб чиқиш пайтларида юқорироқ малака талаб этилади. Лойиҳа тайёр бўлгач, педагог асосан ташкилий ва маслаҳатчи (ижодий қўшимчалар киритиш имконини сақлаган ҳолда) вазифаларни бажаради.


Саноатда ишлаб чиқилувчи маҳсулотни (детални) лойиҳалаётганда махсус таърифлар, стандарт белгилари, чизмалар ва улардаги ўлчамлар аниқлиги, сиртлар қаттиқлигига қўйилган талаблар акс эттирилади.

Педагогик тахнологиядаги лойиҳалаш жараёнида ҳам ўқув ва тарбия мақсадлари ишлаб чиқишда тавсифлар ва ҳар бир дидактик бўлинмадан кутилажак натижалар таърифларига махсус талаблар қўйилади.

Дастлаб ўқув ва тарбия мақсадлари ишлаб чиқилади. Ҳудди шу босқичда саноат ишлаб чиқаришга ўхшашлик кузатилади. Ишлаб чиқаришдаги бошқарувчи ва таълимдаги педагог фаолиятларида тизимнинг аҳволи ва самарадорлиги ҳақидаги ахборотлар оқимини қабул қилиши бўйича ўхшашлик бор. Ишлаб чиқилган ўқув мақсадлари асосида назорат ишлари тузилади ва ундан сўнг услубий қўлланмалар ва маъруза матнлари яратилади.

Ўқув жараёнининг барча босқичларида бутун тизимнинг асосий технологик жиҳати - ўқув жараёнининг сўнгги натижалари бўлган ўқув мақсадига эришишга йўналтирилганлигини кузатиш мумкин.

Технологик ёндашувга асосланган ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаш кетма-кетлиги 2-расмда умумий кўринишда берилган. Ушбу андозадаги ҳар бир таркибий қисм педагогик муолажанинг мақбуллаштирилган бўлагани ташкил этади.



2-расм. Педагогик технологиянинг тузилиши

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Таълимга технологик ёндашув, ўқув мақсадлари, Блум таксономияси, ўқув мақсадлари каталоги, ўқув жараёнини лойиҳалаш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Таълимни қандай қилиб қафолатланган натижага олиб келувчи ўзига хос технологик жараёнга айлантириш мумкин?
2. Педагогик технологияни ишлаб чиқишда гуруҳ бўлиб ҳамда яқка ҳолда фаолият юритишга қандай эътибор берилади?
3. Педагогик технологиянинг асосий омилларини айтиб беринг.
4. Ўқув жараёнини лойиҳалаш схемасини тушунтириб беринг.
5. Педагогик технологияни ишлаб чиқишда ва ундан фойдаланишда ўқитувчиларнинг савиясига талаб қандай?
6. Педагогик технология омилларини саноат технологияси омилларига таққосланг ва мисол келтиринг.
7. Педагогик технологиянинг тузилиш схемасини тушунтиринг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. М.: Наука, 1975.
2. Марквардт К. Развивающая система подготовки специалистов. М.: Знание, 1981.
3. Назарова Т. С. Педагогические технологии: новый этап эволюции. // Педагогика. 1997, №3.
4. Никандров Н. Д. Программированное обучение и идеи кибернетики. (Анализ зарубежного опыта). М.: Наука, 1970.

4-МАЪРУЗА.

ЎЎУВ МАҚСАДЛАРИ КАТАЛОГИ ВА МАҚСАДЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

РЕЖА:

1. Укув мақсадлари каталоги.
2. Вазифаларни (таккослайдиган укув мақсадларини) аниқлаштириш.
3. Ёзма матннинг маъносини тушуниш.

“Педагогик технология” сўз бирикмаси асосида “технология”, “технологик жараён” тушунчалари ётади. Ушбу тушунча орқали саноатда тайёр маҳсулотни олиш учун бажариладиган ишларнинг кетма-кетлиги ҳақидаги техник ҳужжат, таълимда эса фан бўйича услубий тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Педагогик технологияни тушуниш учун асосий йўли аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим оловчи билан мунтазам ўзаро алоқани ўрнатиш, педагогик технологиянинг фалсафий асоси ҳисобланган таълим оловчининг хатти-ҳаракати орқали ўқитишдир. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ қамраб олиши керак. Шу фикрни батафсил кўриб чиқайлик.


Педагог одатда ўз олдига ўқувчилар учун материалнинг мазмунини тушуниб, ўзлаштириб олишсин, маълум билимларни эгаллаб амалиётда қўллашга ўргансин деган мақсадни қўяди. Лекин ўзлаштириш, тушуниш, қўллаш нимани англатади?

Педагог ўз олдига қўйган мақсадга эришганлигини қандай билади?

Педагогик мақсадларга эришганлик ёки эришмаганликни билишнинг аниқ воситалари бўлгандагина, педагог ўзининг меҳнати самарали

эканлигига ва танлаган услублари мақсадга мувофиқлигига ёки, аксинча, самарасиз эканлигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Одатдаги ўқитиш услубини тадқиқ қилишда педагогик технология тарафдорлари айнан шу нарсани назарда тутишган эди.

Маълумки, педагог жамиятдан буюртмани умумий кўринишда олади. Ҳаттоки, ўқув дастурларида белгиланган мақсадлар ҳам бир нечта тушунтиришлар билан чекланган. Бу ерда мақсадларни аниқлаштиришнинг ўзига ҳос пиллапоясини тузиш мумкин: жамиятнинг умумий талабларидан - таълим тизими вазифаларига, улардан - маълум ўқув юрти, ўқув предмети, унинг тематик бўлимлари ва алоҳида ўқув масалаларига (3-расм).



3-расм. Ўқув мақсадлари каталоги

Педагоглар томонидан мақсадларни белгилашнинг анъанавий усулларига қарайлик (М.В.Кларин бўйича).

- *Ўқув материалнинг режасидан келиб чиқиб, мақсадни белгилаш.* Масалан: “Ньютоннинг иккинчи қонунини ўрганиш” ёки “биринчи бобнинг мазмунини ўрганиш”. Мақсадни бундай қўйиш билим соҳасининг предметли мазмунга қаратилган ва педагог ўз мақсадига эришганлиги ҳақида аниқ ҳукм чиқариш қийин. Бу усулда мақсадга эришганликни қандай аниқлаш мумкинлиги кўрсатилмаган.

- *Мақсадни педагог фаолияти орқали ифодалаш.* Масалан: “Ўқувчиларни ички ёнув двигателини ишлаши билан таништириш” ёки “детал чизмасида шартли ифодаларни ўқиш усуллари кўрсатиш”. “Педагогдан” мақсадни қўйиш унинг ўз фаолиятига қаратилган. Бу ерда ҳам таълим жараёнининг аниқ мақсадларига эришганлигини қандай билиш мумкинлиги кўрсатилмаган.

- *Ўқувчининг интеллектуал, эмоционал, шахсий ривожланиши ички жараёнлари ва қонуниятлари орқали ўқув мақсадни қўйиш.* Масалан: “Ходисани таҳлил қилиш малакасини таркиб топтириш”, “математик масалаларни мустақил ечиш малакасини ривожлантириш”, “физик масалаларни ечиш жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш”...

Бундай мавзуларда ўқув юрти доирасидаги ўқув мақсадлари, ўқув предмети ёки предметлар мажмуаси доирасида қўйилганлиги кўриниб

турибди, лекин асло ўқув машғулоти ёки ҳатто машғулотлар жамламасида ҳам эмас. Бунда ўқув мақсадига эришганлик ҳақида кўрсаткичларни топиб бўлмайди.

- *Ўқув мақсадларини ўқувчилар фаолияти орқали қўйиш.* Масалан: “Машғулот мақсади - квадрат тенглама илдизларини топиш бўйича мисол ечиш”.

Бир қарашда ўқув мақсадини бундай ечиш машғулотни режалаштириш ва ўтказиш хусусида аниқлик киритади. Лекин бу ерда ҳам диққат марказидан асосий нарса тушиб қолади - ўқитишдан кутилаётган натижа ва унинг оқибати. Бу натижа ўқувчи ривожланишидаги маълум *силжииш*дир.

Шу муносабат билан ўқитишнинг мақсадларини таълим мазмуни, педагогнинг ёки ўқувчининг фаолияти орқали белгилаш таълимда кутилаётган натижалар ҳақида аниқ таассуротга эга бўлишга имкон бермайди. Бу натижалар ҳақида ўқувчилар фаолиятининг фақат ташқи намоён бўлишидан хулоса қилиш мумкин. Педагог ўқитиш натижасини аниқлаштира бориб, унинг кузатиш мумкин бўлган ташқи белгиларини (сўзлашув, ҳаракатланиш) тўла тасвирлашга интилади. Гоҳида, тасвирлаш жараёнини ташқи белгиларини санаб чиқишга олиб келади, демак ушбу орқали натижани сезиларли соддалаштириш мумкин. Холбуки, илмда ҳам, амалиётда ҳам мураккаб жараёнларни содда андозага келтириш жуда зарурдир.

Педагогик технологияда назарда тутилдиган мақсадларни қўйиш услуги ўзининг ашёвий хусусиятига эга. Бу шундан иборатки, *ўқитиш мақсадлари ўқувчилар ҳаракатида ифодаланадиган ва аниқ кўринадиган ва ўлчанадиган натижалар орқали белгиланади.*

Америка Қўшма Штатларида, Англияда ва бошқа мамлакатларда ўқувчи ва ўқитувчи учун мақсадларни алоҳида-алоҳида белгилаш одатга кирган. Бу мантиқан тўғри, чунки ўқитиш - педагог ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ҳисобланади. ***Бунда мақсадлар ўқитувчининг фаолиятидан келиб чиққан ҳолда қўйилади (ўргатиш, тушунтириш, кўрсатиш, айтиб бериш ва ҳоказо), Ўқувчининг ҳаракатларида ифодаланадиган натижалар эса таълимнинг вазифалари дейилади. Вазифа талабанинг тўғалланган хатти-ҳаракатини ифодаловчи атама билан ифодаланиши шарт.***

Шундай қилиб, анъанавий ўқув жарайнида асосий омил - бу педагог (ва унинг фаолияти) ҳисобланса, педагогик технологияда ***биринчи ўринга ўқиш жараёнидаги ўқувчиларнинг фаолияти қўйилади.***

Вазифаларни ўлчаш, аниқлаш, ўқитишни қайта такрорлаш имконига эга бўлиш учун ҳар бир мақсадга эришиш мезонини билиш керак, яъни таълим мақсади шундай қўйилиши керакки, унга эришганлик ҳақида аниқ хулоса чиқариш мумкин бўлсин. Шунини таъкидлаш керакки, педагогик адабиётда вазифалар баъзан идентификациялашган (такқосланадиган) педагогик мақсадлар деб аталади (М.В. Кларин, 1989).

Ўқувчиларнинг вазифалари ҳақида ўқитишнинг натижалари сифатида ўйланг. Шундай қилиб, ўқитишнинг вазифаларини текшириш ва баҳолаш лозим.

Вазифаларни янада аниқлаш мақсадида қуйидаги қадамларни қўлланг:

- ҳар бир вазифалар гуруҳини “Дарс якунида талабалар қуйидагиларни бажара олишлари лозим. “ - деб бошланг;
- ҳар бир вазифани рақамланг;
- ҳар бир вазифани қуйидаги феъллардан бошланг: санаб ўтинг, эсланг, сўзлаб беринг, кўрсатиб беринг, танланг, ҳисобланг ва ҳоказо;
- ҳар бир вазифани талаба сўзи билан қўйинг (ўқитувчи атамасида эмас);
- ҳар бир вазифа фақат БИТТА натижани кўзласин, иккита-учтани эмас;
- ҳар бир вазифани шундай қўйингки, токи у ўқитувчининг ўтадиган дарсининг босқичларини эмас, балки “талабанинг ўзини кейинчалик қандай тутиши кераклигига ишора қилсин”;
- вазифаларни шундай ёзингки, унинг ишлатилишини мезонлаш ва қандай қилиб мақсадга эришилганлигини аниқлаш мумкин бўлсин;
- улар буни қила оладиларми? - деган савол ҳолис баҳолашда ишлатилади (керакли тест топшириқларини тузишда) [13].

Вазифалар бизларга ўқув саволларини, мавзуларни, бўлимларни, бутун фанни, нималарни баҳолаш кераклигини (оғзаки, ёзма ёки тест услубида) аниқлаб беради.

Мақсадларни мутлақо тўлиқ таққослаш ғояси шуни назарда тутадиги, бундан сўнг ўқувчи фаолиятини кузатиш, ўлчаш воситалари орқали тушунтириш имкони туғилади.

Дастурлашган ўқитишнинг асосчиси (педагогик технологиянинг пайдо бўлишида муҳим аҳамият касб этган) Б. Скиннер шуни таъкидлайдики, ўзга ёндошувда ўқитувчи ўқитиш мақсадларини ҳар доим қайта кўриб чиқишга мажбур бўлади ва бунда мақсадларни шунчалик ноаниқ ифодалайдики, уларга эришганликни тажрибада аниқлаш мумкин бўлмай қолади.

Таълим мазмуни одатга кўра асосан мавзувий йўналишга эга ва ундай ўқитишнинг аниқ мақсадларини кўриш қийиндир. Ўқитиш вазифаларини (таққосланадиган мақсадларни) ишлаб чиқишни енгиллаштириш учун уларнинг таърифида ўзлаштирган ўқувчилар малакасини ифодаловчи феъллардан фойдаланиш мумкин, масалан:

- муайян далилни **билади**;
- қоидани **билади**;
- оғзаки билимни математик ифодага **кўчиради**;
- чизма (график, диаграмма ва б.)ни **тушунтиради**;
- берилганлардан натижаларни келтириб **чиқаради**;
- тушунчани янги вазиятда **ишлатади**;
- қоида (қонун)ни **ишлатади**;
- маълум қоидани янги ҳолатда тўғри қўллашни **намойиш қилади**;
- мавхум фарзларни **ажратади**;
- фикрлаш мантиқида хато ва камчиликларни **топади** ва х.к.

Қуйидаги чап устунда келтирилган феъллар умумий хусусиятга эга бўлиб, улар кўп маъноли ва талабанинг билим олганидан сўнг бажариши зарур бўлган амални аниқ ифодаламайди. Вазифа учун (таққосланувчи мақсадлар учун) узил уксил бир маънони англатувчи феълларни танлаш маъқул:

ўрганиш
ўзлаштириш

белгилаш
аниқлаш

танишиш
тушуниш

гурухлаш
тузиш

Вазифаларни (таққосланадиган ўқув мақсадларини) аниқлаштириш учун ўқишда ўқувчи томонидан бажара оладиган ва ўқитувчи томонидан кузатиладиган ва ўрганиладиган муайян тадбир, ҳаракат ёки малакани ифодаладиган феъллардан фойдаланиш керак. Юқоридаги ўнг қаторда кўрсатилган феъллар шулар жумласидандир.

Масалан, қуйида кўрсатилган мақсадлардан иккинчиси аниқроқдир:

- 1) ўқувчи қонидани ўзлаштирмоқда ва
- 2) ўқувчи таниш (ёки нотаниш) вазиятда қонидани қўлламоқда.

Шундай қилиб, мақсадларни аниқроқ, муайянроқ қўйишнинг асосий йўли - маълум натижа билан яқунланадиган ҳаракатларни ифодаладиган феъллардан фойдаланишдир.

Таққосланадиган таълим мақсадларини (вазифаларини) шакллантириш қуйидаги андоза бўйича босқичма-босқич амалга оширилиши керак: муайян ўқув машғулотининг умумий мақсади -> ўқитишнинг хусусий мақсади -> таққосланадиган ўқитиш мақсади (вазифа).

4-расмда мақсадни 14 та феъл ёрдамида уч босқичда шакллантириш йўли кўрсатилган, мақсадларни бундай ажратиш ва аниқлаштириш орқали муайян ўқув машғулоти натижаларини баҳолаш учун керакли тест топшириқларни ишлаб чиқиш қийин эмас.

Бу андозани ўқитишнинг хусусий мақсадлари харитаси сифатида қараш мумкин. Бу андоза қуйида матн шаклида келтирилган.



4-расм. Ёзма матннинг маъносини тушуниш

1. Ёзма матннинг маъносини тушуниш.
 - 1.1. Яққол кўринадиган маълумотларни матн парчасидан ажратиб олиш.
 - 1.1.1. Муайян маълумотларни кўрсатиш (номлар, саналар, воқеалар).
 - 1.1.2. Матн лавҳасини тўлиқроқ ифодаладиган гапларни танлаш.
 - 1.1.3. Матн лавҳасининг асосий маъносини таъкидладиган омилларни санаб ўтиш.
 - 1.2. Матн лавҳасининг асосий ғоясини кўрсатиб ўтиш.
 - 1.2.1. Асосий ғояни ифодаладиган гапни кўрсатиш.
 - 1.2.2. Матн лавҳаси учун мавзунини танлаш.
 - 1.3. Матн лавҳасидаги ғояларга якун ясаш.
 - 1.3.1. Матн лавҳасини конспектлаштириш.
 - 1.4. Матн лавҳасида яққол кўзга ташланмайдиган бошқа ғояларни кўрсатиш.
 - 1.4.1. Матн лавҳасида ифодаланмаган, лекин фараз қилинадиган ғоялар, ҳаракатлар, воқеаларни кўрсатиш.
 - 1.4.2. Матн лавҳасида ифодаланган ҳаракатлар ёки воқеаларни эҳтимолга яқин тартибда санаб ўтиш.
 - 1.4.3. Матн лавҳасида ифодаланган ҳаракатлар ёки воқеаларнинг эҳтимолга яқинроқ оқибатини кўрсатиш.
 - 1.4.4. Матн лавҳасида ифодаланган ғоялар, ҳодисалар, нарсаларни нима умумлаштиришини тушунтириш.

Математика ва биология фанларида вазифаларни (мақсадларни) ишлаб чиқишда фойдаланиладиган феълларни мисол тариқасида кўриб чиқиш мумкин:

Математика фанида:

- келтириб чиқариш;
- ҳисоблаб чиқариш;
- исботлаш;
- ўлчаш;
- аниқлаш;
- асослаш;
- қайта ишлаб чиқиш;
- бўлиш;
- санаш;
- қониқтириш;
- тартибга солиш;
- соддалаштириш;
- шакллантириш.

Биология фанида:

- таҳлил қилиш;
- келтириб чиқариш;
- кўрсатиш;
- устунлик қилиш;
- ўзгартириш;
- тавсифлаш;
- изоҳлаш;
- ажратиш;
- дастлабки маълумотни аниқлаш;
- туркумлаштириш;
- гуруҳлаштириш;
- тизимлаштириш;
- таққослаш;
- мавжудлаштириш.

Таъкидлаш керакки, таққосланадиган ўқитиш мақсади (вазифаси) кутилаётган натижанинг охиригача узил-кесил таърифи ҳисобланмайди, балки унга яқинлаштирилган натижадир.

Шу билан бирга ўқитиш вазифаларини (таққосланадиган ўқув мақсадларини) белгилашда қийинчиликлар ҳам бўлиши мумкин. Бир хил пайтларда ўқитиш мақсадларини алоҳида-алоҳида таркибий бўлақларга бўлиб, уларни таҳлили натижасида таққосланувчи ўқув мақсадларини тузиш ва уларни тест топшириқларига ўтказиш қийин кечмайди. Шу билан бирга, иккинчи хил ҳолларда қисмларга бўлиш ва уларни таҳлил этиш қийин кечади, таққосланувчи ўқув мақсадини тузиш мумкин бўлсада, уни тузиш ниҳоятда мураккаб.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Ўқув мақсадлари каталоги, умумий ўқув мақсади, хусусий ўқув мақсадлари, ўқув натижалари, талабанинг тугалланган хатти-ҳаракатида ифодалаш, натижани талаба хатти-ҳаракатида ифодалаш, мақсад ва натижаларни феъллар орқали ифодалаш, фаннинг ўқув натижаларининг махсус феъллари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Педагог ўз олдига қўйган мақсадга эришганлигини қандай билади?
2. Ўқув материалнинг режасидан келиб чиқиб мақсадни белгилашга мисол келтиринг.
3. Мақсадни педагог фаолияти орқали ифодалашга мисол келтиринг.
4. Ўқув мақсадини ўқувчиларнинг интеллектуал, эмоционал, шахсий ривожланиш жараёнлари ифодалашга мисол келтиринг.
5. Ўқув мақсадини ўқувчилар фаолияти орқали ифодалашга мисол келтиринг.

6. Ўқув натижалари ўқувчилар фаолиятида ифодаланган, аниқ ва ўлчанадиган бўлишини қандай тушунасиз?
7. Анъанавий усулда ва педагогик технологиялар бўйича ўқитишда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига қандай қаралади?
8. Ўқув натижаларини ифодалашга қўйиладиган талабларни санаб беринг ва изоҳланг.
9. Ўқув натижаларининг аниқ ва ноаниқ ифодаланишига мисол келтиринг ва уларни таққосланг.
10. „Ёзма матннинг маъносини тушуниш“ қандан хусусий натижалардан ташкил топган?
11. Аниқ фанлар (математика, геометрия, биология, кимё) бўйича таълим натижасини ифодалашда қўлланиладиган феълларга мисоллар келтиринг.
12. Ўқув мақсадларини ифодалашда қандай ўзлаштириш даражаларига эътибор берилади?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Объективная оценка качества усвоения знаний учащихся и студентов. Ташкентский Технический Офис Тасис. Составители: Ян Смит, Борис Фарберман. 1999.
2. Сластенин В. Доминанта деятельности. // Педагогика. 1997, № 9.
3. Селевко Г. Взгляд на проблему. // Педагогика. 1997, № 9.
4. Томас К. и др. Перспективы программированного обучения. Пер. с англ. М.: Мир, 1966.

5-МАЪРУЗА. **ЎЎУВ МАҚСАДЛАРИНИ АНИҚЛАШ УЧУН** **Б.БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИ**

РЕЖА:

1. Таксономия тушунчаси.
2. Б.Блумнинг билим олиш соҳасидаги уқув мақсадлари.
3. Хусусий уқув мақсадлари каталогини ишлаб чиқиш.

Шуни таъкидлаш керакки, педагог ўқитиш жараёнини маҳсулдор (репродуктив) доирада ушлаб турувчи “қатъий” таққосланувчи ўқув мақсадлари ёки изланувчан ўқитиш хусусиятига эга мавҳумроқ ўқув мақсадларидан бирини танлашга мажбур. М.В. Клариннинг (1989) таъкидлашича, ижодий хусусиятга эга бўлган таълим мақсадларини танлаганимизда унинг белгиларини (ўқитишнинг муайян натижаларини) ҳолис ифодалаш қийинлашади. Маданияти, ижодий фикрлаши ва сезгирлик даражаси боғлиқ ҳолда ўқитувчини баҳоси экспертникига яқин бўлади. Шунинг учун ўқув мақсадларига қўйилган “қатъий” талаблар бир оз “юмшатилиб”, ижодий кўринишга эга бўлган мақсадларни таърифлашда маълум бир даражада ноаниқликка йўл қўйиш керак бўлади.

Бундай ҳолларда Б.Блум таксономиясига асосан умумий мақсадлардан фойдаланиш мумкин. "Таксономия" тушунчаси нарсаларнинг табиий боғлиқлиги ва ҳосиятларига кўра кўпбосқичли (иерархик) тузилиши асосида тавсифлаш ва тизимлаштиришни англатади. 2-жадвалда келтирилган Б.Блумнинг ўқув мақсадлари таксономияси дунёдаги энг кўп тарқалганлардандир.

2-жадвал

Б.БЛУМНИНГ БИЛИМ ОЛИШ СОҲАСИДАГИ ЎҚУВ МАҚСАДЛАРИ ТАКСОНОМИЯСИ

№	Ўқув мақсадларининг асосий категориялари	Турлар ва турлар остидаги тавсифлар	
1	2	3	4
1.	БИЛИШ Бу категория ўргатилган билимларни эслаб қолиш ва қайта тиклашни белгилайди. Мазмуннинг ҳар хил турлари тўғрисида аниқ далиллардан бир бутун назариягача сўз бориши мумкин.	Далилларни билиш	Атамашуносликни билиш. Муайян далилларни билиш.
1	2 Бу категориянинг умумий белгиси - тегишли маълумотларни хотирада тиклашдир.	3 Далилларни танлаш усуллари билиш Умумий тушунча, таркиб ва назарияларни билиш	4 Шартли белгиларни билиш. Ривожланиш йўналишини билиш. Тавсифлашни билиш. Синов мезонлари ва баҳолашни билиш. Ушбу муаммо бўйича шу соҳада қўлланиладиган текшириш услубларини билиш. Ҳодисаларни изоҳлаш ва тушунтириш ҳамда уларни олдиндан кўриш учун керак

		бўладиган асослар ва конунларни билиш. Назариялар ва тузилишларни билиш.
2.	ТУШУНИШ Билимнинг бир ибора туридан бошқасига, уни бир тилдан иккинчи тилга (масалан, оғзаки шаклдан-тематик шаклга) ўзгартириш. Тушунишнинг кўрсаткичи сифатида ўқувчиларнинг тушунтириши, қисқа баён қилиш ёки ходисанинг (воқеанинг) кейинги оқибати ҳақида таклифлар киритишини қабул қилиш мумкин.	Мазмунни бир тилдан иккинчисига ўгириш. Тушунтириш (мушоҳада этиш). Экстраполяция (билимни ўхшаш вазиятга кўчириш).
3.	УСЛУБЛАР, ҚОИДАЛАР ВА УМУМҲАММОН ТУШУНЧАЛАРНИ ҚўЛЛАШ	
	Бунга қоидалар, услублар, тушунчалар, асослар, тамойиллар, назарияларнинг қўлланиши киради. Ўқитишга тегишли натижалар учун тушунишдан кўра юқори даражадаги билимга эга бўлиш талаб этилади .	Умумий тушунчалар, қоидалар, услубларнинг қўлланиши
4.	ТАҲЛИЛ Яъни бутунни элементларга бўла билиш, бу элементларнинг нисбатини ва уларнинг орасидаги муносабатни ўрнатиш, бутунни ташкил қилиш асосларини билиш. Ўқув натижалари бунда тушуниш ва қўлланишга қараганда анча юқори интеллектуал даражали тавсифланганлиги сабабли ўқитиш мазмунини ва шунингдек унинг ички тузилишини билишни талаб қилади.	Элементларнинг таҳлили Элементлар орасидаги муносабатнинг таҳлили Бутунни ташкил этиш асосларининг таҳлили
5.	СИНТЕЗ Яъни янги тузилма олиш мақсадида берилган элементлардан бир бутунни ҳосил қилиш. Тегишли натижалар фаолиятнинг ижодий хусусиятга эга бўлишини, янги шакллар ва тизимларни вужудга келтиришга урғу берилишини кўзда тутади.	Иншо ёзиш Иш режасини тайёрлаш Қисмлардан иборат маълумотлар асосида бутун кўринишни яратиш .
6.	БАҲОЛАШ Яъни билимлар ва услубларни қабул қилинган мақсадни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш. Ушбу тушунча олдинги ҳамма тушунчалар бўйича баҳолаш мулоҳазаларини қўшган ҳолда аниқ тасвирланган мезонга мувофиқ ўқиш натижаларига эришишни мўлжаллайди.	Ички мезонлар асосида баҳолаш (тузилиш, мантикий) Ташқи мезонлар асосида баҳолаш (белгиланган мақсадга мослиги).

Келтирилган жадвал тест вазифаларини ишлаб чиқувчи педагогга ўқув мавзуларининг айрим қисмларини санаб ўтилган ўқув мақсадлари категориясига мослаштиришга ва шу орқали тест вазифалари мазмунини ва уларнинг вариант турлари мазмунини излаш доирасини ихчамлаштиради.

Б.Блум таксономиясини қўллаб, умумий ўқув мақсадларини (таққосланадиган ўқув мақсадларини тузиш қийинлашганда) шакллантириш мумкин. Шунингдек, педагог мақсадларни белгилаб ва аниқлаштирибгина қолмай, балки тартиблаштиради ҳам. Мақсадларнинг аниқ шажарасимон таснифномасини қўллаш эса амалиётчи ўқитувчига қуйидаги ёрдамларни беради:

- ўқитиш самарасини асосий мақсадларга йўналтиришга;
- ўқувчиларнинг билим олишдаги умумий фаолиятида йўналиш беришга, муҳокама қилишга ва уларни тушунишни қулай қилишга.

Тест топшириқларини тузишда Б.Блум таксономиясини қўллашнинг турли тартибини тавсия этиш мумкин. Булардан бири юқорида кўрсатиб ўтилган (таққосланадиган ўқув мақсадини тузиш қийинлашганда Б.Блум таксономиясининг ўқув мақсадлари категориясига ўтиш). Бошқа бир варианты ҳам мавжуд - таққосланадиган мақсадларни ишлаб чиқиш мақсадида аввал Б.Блум таксономиясидан фойдаланиш. Бунда “билиш”, “тушуниш”, “қўллаш”, ва ҳоказо категориялари умумроқ кўринишга эга бўлган ўқув мақсади аниқланиб ва шундан сўнг ўқитишнинг кутилаётган натижасига мос келадиган феъл аниқланади (5-расмга қаранг).

**Б.Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадлари категориясига
мос келадиган феъллар рўйхати**

Билиш	Эсга тушириш	Тасвирлаш
	Эслаб қолиш	Фарқлаш
	Ахборот бериш	Танлаб олиш
	Айтиш	Айтиб бериш
	Ёзиш	Такрорлаш
Тушуниш	Далиллаш	Кўчириш
	Олмаштириш	Қайта ишлаш
	Муайянлаштириш	Намойиш этиш
	Белгилаш	Изоҳлаш
	Тушунтириш	Очиб бериш
Фойдала- ниш	Тадбиқ қилиш	Аниқлаш
	Ҳисоблаб чиқиш	Амалга ошириш
	Намойиш этиш	Ҳисоблаш
	Фойдаланиш	Амалга ошириш
	Ўқитиш	Ечиш
Таҳлил қилиш	Келтириб чиқариш	Олдиндан кўриш
	Ажратиб чиқиш	Саралаш
	Умумлаштириш	Бўлиб чиқиш
	Турлаш	Текшириб кўриш
	Фараз қилиш	Гуруҳлаш
Синтез	Кашф қилиш	Тизимлаш
	Умумлаштириш	Бирлаштириш
	Бирлаштириш	Барпо этиш
	Режалаштириш	Тузиш
	Ишлаб чиқиш	Лойиҳалаш
Баҳолаш	Ташхислаш	Баҳолаш
	Исботлаш	Текшириш
	Ўлчаш	Назорат қилиш

5-расмда тест топшириқларини ишлаб чиқишнинг учта йўли кўрсатилган:

- вазифалар асосида;
- Б.Блум таксономияси асосида;
- таққосланадиган таълим мақсадига ўтиш орқали Б.Блум таксономияси асосида.




**5-расм. Таълим мақсадлари ва вазифалари асосида
тест топшириқларини ишлаб чиқиш**

Эслатамиз, таққосланадиган таълим мақсадлари асосида одатда ўзлаштиришнинг махсулдор (репродуктив)дан юқори бўлмаган босқичда тест топшириқлари ишлаб чиқилади (ўрганилган намуналар бўйича талабанинг хатти-ҳаракати).

Ташхислаш мақсадларига мунтазам равишда йўналтириш технологик ўқитишдаги баҳолашнинг ўзига хослигини белгилади. Мақсад ташхис нуқтаи-назаридан қўйилганда ўқитиш ҳам унинг хоссаларига андоза (эталон) сифатида асосланади. Ўқитиш жараёнида жорий баҳолаш алоқа воситасини ўйнайди ва мақсад андозага эришишга қаратилган. Агар мақсадга эришилмаган бўлса, жорий назорат натижалари ўқитиш жараёнига тузатишлар киритиш кераклиги ҳақида далолат беради. Шунинг учун жорий назорат бу ерда шакллантирувчи ҳисобланади ва баҳо қўйилмайди. М.В.Клариннинг таъкидлашича, аниқ мақсадларни ишлаб чиқиш жуда мураккаб масала, бир кишининг қўлидан келмайди. Шунинг учун бир гуруҳ ўқитувчилар ва услубчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти талаб қилинади [8]. 6-расмда таққосланадиган ўқув мақсадларини шакллантиришда ўқитувчилар гуруҳининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти кўрсатилган.






Бундай жараённи бошқа мақсадларда такрорланг

6-расм. Такқосланадиган мақсадларнинг гуруҳдаги ишланмаси

Шундай қилиб, педагогик технологияда ўқув жараёнини режалаштиришда (лойиҳалаштиришда) хусусий, иложи бўлса такқосланадиган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш муҳим ўрин тутadi. Бунда уларнинг сони ҳақидаги (мавзу, боб, ўқув предмети учун) масала ҳам катта аҳамиятга эга.

7-расмда хусусий ўқув мақсадлари каталогини ишлаб чиқиш кўрсатилган.



7-расм. Хусусий ўқув мақсадлари каталогини ишлаб чиқиш

Ўқув жараёнининг технологик модели ва унинг муайян татбиқи инновацион (янгича ёндашув) кўринишга эга ва анъанавий ўқитишни ўзгартиради. Бу ўзгаришларнинг йўналиши - ташхислаб берилган мақсадлар асосида аниқ мақсадни қўйиш, баҳолашнинг жорий (шакллантирувчи) ва якуний (жамловчи) вазифаларини аниқ ажратиш, режалаштирилган ўқув натижасига гаровли эришишга интилиш, ўқув фаолияти турлари ҳамда ўқитувчи ва талабалар ҳамкорлигини ташкил этиш усуллариини ихтиёрий-изланиб танлаш, репродуктив топшириқларни бажариш орқали ўқув мавзусини мустаҳкамлаш, кичик ўқув гуруҳчаларида намунавий натижаларни ўзлаштиришга йўналтирилган ўзаро текширувлар ташкил этилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

Б.Блум ўқув мақсадлари таксономиясининг қўлланиш мисолини кўриб чиқамиз (3-жадвал).

3-жадвал

Б.БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИ БУЙИЧА МАШҚ

№	Вазият	Жавобни танлаш
1.	Ўқувчи газета мақоласида берилган далиллар ўртасида қарама-қаршиликларни топади	А. билиш В. тушуниш D. татбиқ қилиш Е. анализ F. синтез G. баҳолаш
2.	Ўқувчи газета мақоласида берилган далиллар билан танишлигини намоён қилади	
3.	Ўқувчи ўзининг иншосида газета мақоласидаги далилларни умумлаштиради	
4.	Ўқувчи газета мақоласидаги далилларни умумлаштиради	
5.	Ўқувчи газета мақоласини талқин қилади ва тушунтиради	
6.	Ўқувчи газета мақоласига танқидий муносабат билдиради	

Тўғри жавоб: 1-Е; 2-А; 3-D; 4-F; 5-В; 6-G.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Фарберман Б. Л. Основы теории инвариантных тестовых заданий. // Таълим муаммолари, илмий-услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар. 1997, № 3-6.
2. Подласый И.П. Педагогика. - М.: Владос, 1999. 2-жилд. I-573б., II-255 б.
3. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. Т.: ОЎМММИ, 2000.

6-МАЪРУЗА.

ТАРБИЯГА ТЕХНОЛОГИК ЁНДАШУВ. КРАТВОЛ ТАКСОНОМИЯСИ

РЕЖА:

1. Кратвол таксономиясига тарбиявий технологиянинг тушунчаси.
2. Кадриятлар урнини узлаштириш ва улар урнини аниклашни ташкил этиш.
3. Кадриятлар урни ва уларнинг тизимини фаолиятга татбиқ этиш.

Тарбиялаш технологияси - нисбатан янги атама бўлишига қарамай ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Тарбиялаш технологияси педагогикада янги йўналиш ҳисобланган “ижтимоий педагогика” билан биргаликда фуқаролик ғурури, ватанпарварлик, ижтимоий фаоллик, масъулият ҳиси ва бошқа шахсий сифатларни шакллантиришда жиддий таъсир қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, тарбиялаш технологияси ёшлар билан тарбиявий ишларнинг ғояси, мазмуни ва таркибини эмас, балки бу соҳадаги ҳукумат ишлаб чиққан мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш билан шуғулланади. Тарбиялаш технологияси мўлжалланган тарбиявий мақсадга самарали эришувни таъминловчи воситалар мажмуасини кўриб чиқади. Шу боис, профессор-ўқитувчилар учун ҳар томонлама ривожланган, юқори интеллектуал ва маънавий баркамол фуқаро шахсини шакллантиришга қаратилган талабаларни ҳукумат сиёсатига мувофиқ тарбиялаш технологияларини эгаллаши долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида Президент И.А.Каримов ўз нутқида “Бизнинг олдимизда озод фуқаро шахсининг маънавиятини, бошқача айтганда, озод, ҳар томонлама ривожланган, ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, кучи ва қобилиятига ишониб таянадиган, атрофдаги ходисаларга ўзининг мустақил фикр ва муносабати мавжуд, ўз манфаатларини ватан ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган шахсни тарбиялаш вазифаси турибди”, деб таъкидлаган эди.

Миллий ўзликни англашни бутун олам инсонпарварлик ғоя ва маданияти, умуминсоний кадриятлар, кўп миллатли халқимиз анъаналаридан айрим ҳолда тиклаб бўлмайди. Ёшларнинг иқтидори ва билимга чанқоқлиги - айнан шулардан маънавиятга эришиш ва уни ривожлантириш бошланади.

Яқин-яқингача “интеллектуал ишлаб чиқариш” ва унга кирувчи шахсни тарбиялаш технология тушунчасисиз фаолият кўрсатиб келди ва бу тушунча фақат моддий неъматга тегишли деб ҳисобланди. Ҳозирги замон педагогик назарияси тарбияга педагогик ёндашув даражасига “пишиб етилди” ва унинг механик равишда ўқув юртларига кўчиришга қарши турган ҳолда, самарали ва мақсадга мувофиқлигини эътироф этади.

Моддий ишлаб чиқаришдаги жараёндан фарқли ўлароқ, тарбия жараёни яғонадир ва уни майда бўлақларга ва қадамларга бўлиш қийин.

Тарбия жараёни кетма-кет андоза билан эмас, бир йўла олиб бориладиган жараёндир.

Шу муносабат билан айрим “технологик жараёнлар” - инсоний сифатларни шакллантириш кўникмалари мавжуд тарбиячиларни жалб қилишга эҳтиёткорлик ва мулоҳазали ёндошув зарур бўлади. Такроран таъкидлаш жоизки, шахс “бўлаклардан” шаклланмайди. Фақат шахсгина шахсни шакллантира олади. Шу сабабли тарбиячи технологик жараёни бошидан охиригача олиб бориши даркор. Ушбу ҳолатда умумий технологияга таянган шахсий маҳорат билан иш кўрилади.

Тарбия соҳасидаги технологияда барча тарбиячиларга хос босқичлар сақланган. Ҳар томонлама ривожланган баркамол шахсни шакллантириш йўлида ушбу босқичлар босиб ўтилади. Уларни аниқлаш, амалга ошириш йўллари кўрсатиш - илмий масаладир Тарбия жараёнида технологик муаммоларини ечишда ҳар бир тарбиячи ўзининг мумтоз мақсадга эришиш йўлини ўташи, вақти-вақти билан долзарб босқичлар орасида фаолиятини назорат қилиб тузатишлар киритиб бориши зарур. Долзарб нуқталар орасида ҳар бир тарбиячи муайян шароитда бор имкониятлардан фойдаланиб, ижодий фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг миллий мафкураси, психологик ва педагогик фанлардан фойдаланиб, мақсадлар кетма-кетлигини тўғри “технологик” танлай билиш ўта масъулиятлидир. Назария нуқтаи назаридан тарбия услубиётини таърифлаш етарли лекин технологик жиҳатдан барча тарбия мақсадларининг қисмларини аниқлаш ва уларни рўёбга чиқариш йўллари белгилаш зарур бўлади.

Бундай ёндошув анъанавий тарбия услуби ҳисобланган оммавий тадбирлар, масалан, саёҳатлар, маданият ёдгорликлари, музейлар, театрлар, кўргазмалар, машҳур алломалар билан учрашувлар ўтказишдан бирмунча фарқланади. Эслаб ўтилган оммавий тадбирларни инкор этмасдан уларни тарбиявий самарадорлигидан тўла фойдаланган ҳолда янги услубиёт ноаниқ мақсадлардан муайян ва аниқ мақсадларни шакллантиришга, режалаштирилувчи мақсадларга ўтилади. Бунда маънавий, маданий, ҳуқуқий, миллий, умуминсоний қадриятлар каби муайян билим ва меъёрлар эгалланади.

“Таълим ва тарбия” журналининг 1996 й. 1-сонида эълон қилинган “Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида бўлғуси мутахассисларнинг умумий ва касбий маданиятини шакллантириш бўйича жамлама тарбиявий ишлар режаси” тарбиявий ишларни дастурлашга мисол бўла олади. Ушбу дастур олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув юртлари олимлари ва педагоглари гуруҳининг меҳнати маҳсулидир. Унинг асоси этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистоннинг дахлсизлигини мустаҳкамлаш, унинг буюк келажагини барпо этиш, ҳар бир талабани кўпқиррали баркамол ва Ватаннинг юксак ғояларига содиқ шахс сифатида тарбиялаш ҳақидаги кўрсатмалари олинган.

Дастурнинг ҳажми катта (31 бет) бўлганлиги сабабли, қуйида унинг асосий тарбиявий йўналишлари ва мақсадлари келтирилган:

1. Фуқаро тарбияси. Энг юксак миллий қадриятлар ва сифатларни тарбиялаш, умуминсоний қадриятларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг миллий ўз-ўзини англашни ривожлантириш.

2. Касб эгаллашга, шахсий масъулиятни, юқори малакали бўлишга ва касбий маҳоратга интилишни тарбиялаш, меҳнат фаолиятига ва доимий равишда малакани ўстириб боришга ундовчи сифатларни тарбиялаш.

3. Оилавий ҳаётга тайёрлаш. Ота-она ва кондош-қариндошлар, оила олдида масъулият ва жавобгарлик хиссини тарбиялаш.

4. Талабани шахс сифатида ривожлантириш. Бетакрор шахсий сифатлар ва ижтимоий қиёфани ҳар томонлама ижодий ривожига қўмаклашиш.

Мазкур дастур таркибининг ўзига хос томонларини кўрсатиш лозим. У талаба ва педагогнинг фаолиятларини айрим-айрим ҳолда таърифлайди, бу эса қуйида келтирилган тарбия технологияси ва Д.Кратволнинг руҳиятли-қадрият соҳасидаги ўқув мақсадлари таснифлагич (таксономия)га мос келади. У дунёда тан олинган ва тарбиявий мақсадларни ва кутиладиган натижаларни режалаштиришда кенг қўлланилади. Унинг асосида эса тарбиявий технология ётади. Ўқитиш технологиясидаги каби, тарбия вазифаларни шакллантиришда (таққосланувчи тарбиявий мақсадлар) тарбияланувчилар хатти-ҳаракатини акс эттирувчи феъллардан фойдаланилади.

Кратвол таксономиясига тарбиявий технологиянинг беш асосий тушунчаси киради: қабул қилиш, идрок этиш, қадриятларни ўзлаштиришни йўлга солиш, қадриятларни баҳолашни ташкил этиш, қадриятлардаги йўналишларни кенгайтириш ёки фаолиятга татбиқ этиш. Қуйида келтирилган тушунчаларни талабаларнинг тарбиявий технологиясини режалаштиришда қўллаш мисоли келтирилади.

1. Қабул қилиш

Ушбу тушунча талабанинг атроф дунёдан келаётган рағбатловчи у ёки бу ходисаларни қабул қилишга тайёрлиги ва қобилятини белгилайди. Тарбиячи бундай мақсадга эришиш учун талабанинг диққатини тортиш, сақлаш ва йўналтира билиши зарур.

“Қабул қилиш” тушунчасига хос тушунчалар

1.1.”сезги”;

1.2.”тайёрлик” ёки “қабул қилиш истаги”;

1.3.”танлов-ихтиёрий диққат”

талабанинг таълим мазмунига беихтиёр муносабатдан фаол муносабатгача олиб келади (ҳолбуки, бу босқичда тўла идрокли ва мақсадли бўлмаса ҳам).

“Қабул қилиш” тушунчасига мисол.

5-жадвал

<i>Талаба хатти-ҳаракатида ифодаланган тарбия натижалари</i>	<i>Белгиланган натижани қўлга киритиш мақсадида тарбиячининг хатти-ҳаракати турлари</i>
Таълим олишнинг долзарблигини сезишни намоён этади. Дарсларда ўқитувчини диққат билан тинглайди. Таълим муассасаси ва ётоқхонада гигиенага риоя қилади. Кийинишда, ички шинамликда, меъморийликда, тасвирий санъатда эстетик омилларни сезишни намоён этади Кутубхона ва адабиётларни ўқув жараёнидаги аҳамиятини тушунади. Ўзбекистон Республикаси	Тарбиячи ва кафедра ўқитувчиларининг танланган соҳанинг ҳаётдаги ўрни, уни ўзлаштириш зарурлигини ифодаловчи суҳбатлари. Тарбиячи ва психолог диққатининг ўрни ва уни бошқариш, ақлий меҳнатни илмий асослари ҳақида суҳбатлари. ОИТС, гиёҳвандлик ва ичкиликнинг хавфли оқибатлари ҳақида суҳбатлар. Тошкент (ўз шахри ва ўлкасини)

ижтимоий ҳаёти масалаларига ва ўзга одамлар эҳтиёж ва масалаларига диққат-этибор намоён этиш. Қонунларни, катта-ар, аёл-қизларни ҳурмати бажо келтиради. Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар тарихи, маданияти, санъати соҳасида фан-ларга қизиқиш билдиради. Шарқнинг буюк мутафаккирлари: Ал Фаробий, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Улуғбек, Беруний, Навоий, Ибн Сино ва бошқаларнинг мерослари ҳақидаги билимини кенгайтиради.	Ўзбекистонни зиёратгоҳлари ва тарихий ёдгорликларига саёҳатлар. Бадий адабиёт ҳақида мураббий суҳбатлари ва маслаҳатлари. Жамоатчилик, маданият ва санъат намоёндалари билан учрашув, газета ва журналлар ўқиш, радио ва телевидение эшиттиришларини тинглаш, долзарб масалалар ҳақида гуруҳ таркибида мунозара қилиш. Самарқанд, Бухоро ва Хивага саёҳат. Ҳукукий мавзулар бўйича суҳбат. Жамоа ва гуруҳдаги ҳулқ-атворнинг юридик ва ахлоқий меъёрларини муҳокамаси.
--	--

2. Муносабат (сезги)

Ушбу тушунча талабанинг фаоллигини намоён бўлишини белгилайди. Бу босқичда талаба у ёки бу воқелик ёки ташқи рағбатни нафақат қабул, балки унга қизиқишни намоён қилади.

Хос тушунчалар:

2.1. Мансуб муносабат.

2.2. Ихтиёрий муносабат.

2.3. Муносабат орқали қониқиш.

“Муносабат” тушунчасига мисоллар

6-жадвал

<i>Талаба хатти-ҳаракатида намоён бўладиган тарбия натижалари</i>	<i>Белгиланган мақсадни эгаллаш йўлида тарбиячининг тадбирлари турлари</i>
Ўқув вазифаларини тўла бажаради. Университетнинг ички тартиб қоидаларини билади ва унга бўйсунди. Масалаларни гуруҳдаги муҳокамасида қатнашади. Ижтимоий-сиёсий ва халқаро масалаларни ёритилишини мустақил равишда кузатиб боради. Вазифаларни ихтиёрий бажаради. Умуминсоний қадриятлар билан танишиб боради. Ўзбек халқи анъаналарида иштирок этади. Бошқа миллат ва элатларга хайрхоҳ ва ҳурматли муносабат билдиради.	Талабанинг ўқишини деканат, ўқитувчилар ва тарбиячи томонидан назорат қилиниши. Талабанинг ҳулқ-атворини кузатиб бориш. Талабани рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш. Тарбиячининг талабаларга топшириғи: масалан, “Наврўз” байрамига тайёргарлик кўриш, ўз меҳнати билан хайрия хашарларида иштирок этиш ва бошқалар. Илмий тўғаракларга, тадқиқотларга жалб қилиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ички ва ташқи сиёсатини талабаларга етказиш бўйича тарбиячининг суҳбатлари

3. Қадриятлар ўрнини ўзлаштириш

Ушбу тушунчага қадриятлар ўрнини ўзлаштиришнинг турли босқичлари киради (у ёки бу нарса, воқелик ва фаолият турларига муносабатлар).

Хос тушунчалар:

3.1. Қадрият ўрнини қабули (одатда ушбу тушунча нуқтаи-назар ёки муносабат дейилади).

3.2. Қадрият ўрнини афзал кўриш.

3.3. Лаёқатлилиқ, қатъийлик.

“Қадриятлар ўрнини ўзлаштириш” тушунчасига мисоллар

7-жадвал

<i>Талаба хатти-ҳаракатида намоён бўладиган тарбия натижалари</i>	<i>Белгиланган мақсадни эгаллаш йўлида тарбиячининг тадбирлари турлари</i>
Аълочи бўлиш (муваффақиятли ўқиш) ва	Тарбиячилар томонидан талаба рейтингини

илмий фаолиятда иштирок этишга қатъий қарор қилади. Турли фикр ва мулоҳазаларни муттасил ўрганади ва ўз мулоҳазасини шакллантиради. Маълум бир ғояни тасдиқлайди ва ҳимоя қилади	жамлаб бориши, натижаларни кўргазмаларга осиб қўйиши, аълочи талабаларни ташвиқот қилиниши. Талабаларни илмий анжуманларга тайёрлаш. Ўз нуқтаи-назари ва муносабатини талаб этувчи топшириқлар бериш. Ўзбекистон Республикаси сиёсати, иқтисоди, маданияти ва санъатининг долзарб масалаларига оид савол-жавоблар, мунозаралар ташкил этиш. Ўзбекистон ватанпарвари бўлиш мажбурияти ҳақида талабалар билан суҳбат ўтказиш.
--	---

4. Қадриятлар ўрнини аниқлашни ташкил этиш

Ушбу тушунча турли қадриятлар ўрнини мулоҳаза этиш ва бирлаштириш, мумкин бўлган қадриятларни хал қилиш, энг аҳамиятли ва турғун қадриятларнинг тизимини белгилашни ўз ичига олади.

Хос тушунчалар:

4.1. Қадрият ўрнига ўз муносабатини таҳлил этиш.

4.2. Қадриятлар ўрнини тизимга солиш.

“Қадриятлар ўрнини аниқлашни ташкил этиш”га мисоллар

8-жадвал

<i>Талаба хатти-ҳаракатида намоён бўладиган тарбия натижалари</i>	<i>Белгиланган мақсадни эгаллаш йўлида тарбиячининг тадбирлари турлари</i>
Ўзи ёқтирган бадиий асарнинг асосий сифатларини аниқлашга ҳаракат қилади Ўз ҳулқ-атворида масъулият сезади Ўз имкониятлари ва ожизлигини тушунади Ўзининг қобилияти, қизиқиши, нуқтаи-назарига хос мақсад ва вазифалар белгиланади, уни Ўзбекистон Республикаси раънақига йўналтиради.	Гуруҳдаги мунозарада сўзга чиқишга ундаш Ўз имкониятлари ва амалдаги ютуқлари ҳақида гуруҳда ҳисобот беришини уюштириш Талабаларни ўз ватанига муҳаббати, ватанпарварлигини намоён этишга имкон берувчи тадбирлар ташкил этиш ва ўтказиш. Масалан: республика ижтимоий ҳаётида қатнашиш, илғор ташаббусларда иштирок этиш ва ш.ў.

5. Қадриятлар ўрни ва уларнинг тизимини фаолиятга татбиқ этиш

Ушбу тушунча қадриятлар даражасига хос равишда шахс ҳулқини узил-кесил белгилайди, унинг ҳаёт тарзи ва тарки одатига айлантиради.

Қадриятлар ўрнини белгилашнинг умумий кўриниши ва унинг яхлит дунёқарашга айланиши ушбу хос тушунчаларда келтирилган:

5.1. Умумлашган кўрсатма.

5.2. Қадриятлар ўрнини тўла ўзлаштириш ва фаолиятга тадбиқ этиш.

“Қадриятлар ўрни ва уларнинг тизимини фаолиятга тадбиқ этиш”га мисоллар

9-жадвал

<i>Талаба хатти-ҳаракатида намоён бўладиган тарбия натижалари</i>	<i>Белгиланган мақсадни эгаллаш йўлида тарбиячининг тадбирлари турлари</i>
Ўқув ишларида мустақилликни намоён қилади Гуруҳ билан ҳамкорликда ишлашга интилади Ишончли далиллар таъсирида ўз фикри ва	Тарбиячи томонидан мустақиллик ва аъло ўқишни рағбатлантирилиши, илмий фаолиятга жалб қилиниши Тарбиячи томонидан жамоада бажариладиган топшириқлар берилиши

хатти-ҳаракатини қайта кўриб чиқиши тайёрлигини намоён қилади Соғлом ҳаёт тарзи ва шахсий гигиенага кўникмасини доимий намоён этади. Мантиқий турғун ҳаёт тарзини шакллантиради Ўзининг фаол меҳнати билан Ўзбекистоннинг гуллаб яшнашига тайёрлигини намоён этади	Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг долзарб муаммолари бўйича мунозара ва суҳбатлар ташкил этиш Талабалар уйи ва ижара уйларига ташриф, уларга тавсиялар бериш Юқори курс талабаларини биринчи курс талабалари билан тарбиявий ишлар ўтказишга жалб қилиш
--	---

Шундай қилиб, тарбия жараёнини яхлитлиги ғояси амалий технологияда ҳар томонлама ёндошув орқали амалга оширилади. Ҳар томонлама деганда мақсад ва вазифаларнинг, услуб ва шаклларнинг ва уларнинг ўзаро алоқа ва таъсирлари тушунилади. Бундай ёндошувга ўтқир зарурият мавжуд, чунки ҳозиргача шаклланган тизимда тарбия майда жараёнлар йиғиндиси деб тушунилган. Шу боис тарбияни айрим жараёнлар сифатида такшил этиш мумкин деб ҳисобланган. Бундан ташқари, ягона шахсни эмас, унинг айрим сифатларини шакллантириш билан шуғулланилган. Бу эса ҳарёклама ривожланган, баркамол шахсни тарбиялашга салбий таъсир этмоқда.

Замонавий тарбиялаш технологияси ҳар томонлама (комплекснўй) ёндашувни амалга оширади ва қуйидаги мажбурий талабларга [18] риоя қилади:

1. Тарбияланувчиларга уч йўналиш бўйича таъсир этилади - тафаккурига, сезгиларига ва хулқига.
2. Тарбия (ташқи педагогик таъсир) ва ўз-ўзини тарбиянинг узвийлиги туфайли ижобий натижага эришилади.
3. Тарбия жараёнида иштирок этувчи барча восита ва тадбирларнинг мувофиқлаштирилиши: ижтимоий институтлар, бирлашмалар, оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат, оила, мактаб, ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоалар - ҳар томонлама ёндошувнинг зарурий шартидир.
4. Шахснинг маълум сифатлари амалдаги тарбиявий ишлар мажмуи орқали ҳосил қилинади. Бу ишлар яққол кўринишдаги кўп ёқлик бўлиши, бир вақтнинг ўзида ақлий, жисмоний, хулқий, эстетик ва меҳнат тарбиясини узвийлиги асосида олиб борилиши зарур.

Собиқ тарбиявий тизимнинг камчиликлари тарбия вазифаларини алоҳида-алоҳида ечишдан келиб чиққан, яъни хулқий тарбия меҳнат ва эстетик тарбия билан, ақлий тарбия - жисмоний ва хулқий тарбия билан, меҳнат тарбияси - ақлий тарбия билан боғлиқ эмас эди. Тарбия назарияси бир биридан ажраган ақлий, хулқий, меҳнат тарбиялари қисмларидан иборат эди, бу эса тарбиянинг жамланмаган, яхлит бўлмаган соддалаштирилган ечимга салбий мисолдир.

5. Ҳар ёклама яхлит тарбиявий ёндошув тарбиячининг тизимли муносабатини ва бошқарувини тақозо қилади. Бошқарув тарбия жараёнида иштирок этувчи ташқи ва ички омилларни ва уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олингандагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Шу боис, у омиллар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш зарур.

Бош омиллар сарасига қуйидагилар киради: а) таълим олувчининг шаклланган ҳаёт тарзи ва унинг киритилаётган сифатларга муштараклиги ёки

карама-қаршилиги; б) яшаш ҳудудларининг ўзига ҳослигидан келиб чиққан турмуш шароити (анъаналар, таълим муассасаси атрофидаги урф-одатлар, миллий ўзига ҳослик, табиий шароитлар); в) оммавий ахборот ва ташвиқот воситалари; г) таълим олвучи шахсига таъсир этувчи жамоанинг ривожланганлик даражаси ва яшаш шароити (тарбия тизими, жамоатчилик фикри, кадриятлар ўрни, ҳуқуқий меъёrlар, психологик муҳит); д) дастлабки жамоада шаклланган муносабатлар меъёри, таълим олувчининг жамоадаги ўрни; е) тарбияланувчининг шахсий ўзига ҳослиги.

Тарбияга ҳар томонлама яхлит ёндошувда юқоридаги омиллар ва шароитлар узвийлашган ҳолда инобатга олиниши зарур. Тарбия жараёнида шахс ва жамоа учун мақбул ўзгаришлар нафақат бевосита руҳиятга таъсир этиш билан, балки ташқи шароитнинг ўзгариши, унинг меъёридан оғиш ёки салбий таъсирини камайтиришни эътиборга олиш самаралидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. Ташкент, 1997.
2. Гузеев В. От методик - к образовательной технологии. // Народное образование. 1998, N5.
3. Кларин М. В. Педагогическая технология в учебном процессе. М. : Знание, 1989.
4. Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. М.: Наука, 1975.

7-МАЪРУЗА.

ЎЎУВ ВА ТАРБИЯВИЙ МАҚСАДЛАРНИ НАЗОРАТ (ТЕСТ) ТОПШИРИҚЛАРИГА АЙЛАНТИРИШ


РЕЖА:

1. Укув фани буйича якуний тестни ишлаб чиқиш.
2. Тест топшириқлари мазмунини аниқлаш кетма-кетлиги.
3. Мақсаднинг тест топширигига айлантирилиши

Авваламбор, ўқувчининг ўз-ўзидан келиб чиқувчи қуйидаги саволига жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз: нега ўқитиш мақсадларидан қўйилган муаммоларни ҳал қилувчи ўқув жараёнига эмас, бирданига назорат топшириқларига ўтилади? Бу савол туғилиши табиий, чунки педагог ўтиш учун аввал, ҳар доимгидек, услубий ишланма (режалар, дарслар матнлари) ва шундан кейингина назорат (контрол) топшириқларини тузади. Айрим пайтларда (буни яширишнинг ҳожати йўқ) бу иш якуний имтиҳон (тест саволлари) олдидагина бажарилади.

Педагогик технологияга асосланган ўқув жараёнини ташкил этишда назорат топшириқларини тузиш (ўқув мақсадларини аниқлаш) билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилиши лозим. Бундай пайтда режа ва дарс матнлари (назорат топшириқлардан сўнг ўтказилган дарслар ҳам) самаралироқ ҳолда ўқитишининг мақсад ва вазифалари билан боғлиқ бўлади.

Якуний тест ишланмаси тест топшириқларининг керакли сонини аниқлашдан бошланади (8-расм). Уларнинг сони назорат турлари ва режалаштирилган ўқув мақсади ва вазифаларининг чуқурлигига боғлиқ.



8-расм. Ўқув фани бўйича якуний тестни ишлаб чиқиш

Республикаимизнинг айрим ўқув юртларида якуний тестга киритилиши керак бўлган тест топшириқларининг сони аниқланган.

Агар тест саволларининг сонини тузувчининг ўзи аниқлаши лозим бўлса, унда қуйидагича бўлиши мумкин:

- жорий назорат - 10-15 топшириқ. (Ўтказиш вақти 10-15 дақиқа)
- оралиқ назорат - 25-30 топшириқ. 30-40 дақиқа.
- якуний назорат - 50 ва ундан ортиқ. 1 соатдан 1,5 соатгача.

Тест топшириқларини ишлаб чиқишдан олдин тестнинг) турланиш рўйхати (спецификацияси тузилади. Одатда у жадвал тариқасида ишланиб, қаторлари эса ўқув мавзуларининг бўлинмаларини акс эттиради. Бўлинмалар Б.Блум таксономиясига асосланган ўқув мақсадларининг категорияларини билдиради.

4-жадвалда "Пул ва банк кредити" (N.E.Gronlund, 1970) мавзусига оид тестнинг спецификацияси келтирилган.

10-жадвал

Ўрганиладиган мавзу мазмуни	Ўқув мақсадлари				
	асосий атама- ларни билиш	қоидаларни тушуниш ва асосий тамойиллар	тамойил- ларни қўллаш	берилган- ларни талқин этиш	Ж А М И
Пулларнинг шакли ва моҳияти	3	4	3	-	10
Банк хизматлари	4	3	5	3	15
Заҳира фондлари федерал тизимининг аҳамияти	4	6	3	2	15
Штат қонунлари ёрдамида фаолиятни бошқариш	4	2	4	-	10
Ж А М И	15	15	15	5	50

Келтирилган рўйхат фақатгина мавзулар ва ўқув мақсадларининг категориялари орасидаги тест топшириқлари тақсимооти ҳақида маълумот беради. Билимни ўзлаштириш савиясини текшириш мақсадида бу рўйхатга қуйидаги белгиларни киритиш мумкин:

- α_1 - ахборотни қабул қилиш ва изоҳлашга мўлжалланган топшириқлар;
- α_2 - маҳсулдор ўзлаштириш даражасига тааллуқли топшириқлар;
- α_3 - натижали (продуктив) даражадаги топшириқлар.

11-жадвалда маълум қонуният кузатилади. Курснинг бошланишида ёдлаш учун мўлжалланган топшириқлар сони кўпроқ. Курс давомида Б.Блум таксономиясининг юқори категориясида ва яна ўзлаштиришнинг натижали услубидаги топшириқлар сони кўпая бошлайди. Агар ўқув мақсадларининг каталоги ва тест турланиш рўйхати мавжуд бўлса, тест топшириқлари ишланмалари янада аниқлашади.

Ўзлаштириш даражасини кўрсатувчи тест турланиш рўйхати

Ўқув мақсадлари категориялари	Ўзлаштириш даражалари бўйича бўлимлар, топшириқлар фоизи ва сони						ЖАМИ
	1-бўлим - 40 %			2-бўлим - 60 %			
	α_1	α_2	α_3	α_1	α_2	α_3	
Билиш	7	5	3	3	3	2	23
Тушуниш	5	4	4	3	3	3	22
Қўллаш		4	3	4	10	15	36
Таҳлил			5		4	4	13
Синтез						3	3
Баҳолаш						3	3
ҲАММАСИ	12	13	15	10	20	30	100

Ҳар бир хусусий мақсад тест топшириқларига ўтказилади. Ўқувчи ҳақиқатдан ҳам ушбу топшириқни бажариши ва бу Б.Блум таксономиясида кўрсатилган категорияга тўғри келадиган даражада ўзлаштирилиши текширилади.

Мақсад ва вазифаларга
асосланган топшириқлар


Ўқувчининг билимини баҳолаш доимо “Нимани баҳоламоқ керак” деган савол билан боғлиқ. Бунга: “Ўқитиш ва ўргатиш мақсади ва вазифаларга эришилганлик даражаларини баҳолаш” деб жавоб бериш зарур. Бу ҳолда мақсад ўқитувчининг фаолиятига қаратилганлиги (ўргатиш, тушунтириш, кўрсатиш, гапириб бериш ва ҳ.к), вазифаларга эса (инглиз адабиётига асосланиб) ўргатиш натижалари киритилганлиги фойдалироқ. Демак, *вазифа - бу талабалар аввал билмайдиган ва уддалай олмайдиган билим ва ҳаракатларни дарсларни тинглагандан сўнг билиши ва уддалай олишидир.*

Агар вазифалар аниқланган бўлса, унда ўқув натижаларини аниқлаш учун назорат топшириқлари тузиш лозим. Булар оғзаки, ёзма, назорат саволлари ёки тест бўлиши мумкин. Тест ишланмаларининг кетма-кетлигини 9-расмдаги тасвирда кўрамиз.

Аввал айтганимиздек, ўқув мақсадларини рўёбга чиқаришда феъл танлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, оғзаки ва ёзма нутқ жараёнидаги вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги феъллардан фойдаланиш мумкин: сўз билан ифодалаб бермоқ, ёзиб олмоқ, натижасини чиқармоқ, таъкидламоқ, айтмоқ, ўқимоқ, бўғинларга бўлмоқ, ҳикоя қилмоқ ва ҳоказо.

Лекин, бу ҳолда кенг маънога эга бўлган, масалан, яратмоқ, иштирок этмоқ, англаб олмоқ каби феълларни қўллаш керак эмас.

“Билмоқ” феълининг маъносини кенгроқ кўриб чиқайлик: тасаввур қилинг, ўқувчининг Шаҳрисабз шаҳри қаерда жойлашганлигини *билиши*ни текширмоқчисиз. Бу билимни аниқлаш ҳар хил йўللار билан ўтқазилиши мумкин: Шаҳрисабз шаҳри Қашқадарё вилоятида жойлашганлигини эслаш, жуғрофия харитасида Шаҳрисабз нуқтасини кўрсатиш, унинг жуғрофий кенглиги ва узунлигини айтиш, Тошкентдан неча километр узоқда жойлашганлиги ва ҳоказо.



9-расм. Тест топшириқлари мазмунини аниқлаш кетма-кетлиги

Мисолдан шуниси маълум бўлдики, ушбу саволга ҳар томонлама ёндошиш мумкин. Шу сабабли бир хил феъллар умумий маънога, айримлари эса муайян маънога эга эканлигини таъкидлаш лозим. Агарда kutilgan ўқув натижалари вазифалар тариқасида берилган бўлса, у ҳолатда кейинчалик у назорат топшириқларга ўтказилиши лозим. Бу топшириқлар оғзаки, ёзма ёки тест ҳолатида бўлиши мумкин. 12-жадвалда содда мисоллар асосида назорат топшириқлари юзаки бўлмасдан, балки маълум даражада мақсадга мувофиқлиги келтирилган.

Келтирилган мисоллар тест топшириқларининг мазмуни ишлатилаётган феъллар мазмунига бир мунча боғлиқ. Шу сабабли ҳам феъллар танлашда уларнинг маъносига катта эътибор бериш лозим.


Яна битта мисол. Дейлик, “тақосланадиган ўқув мақсади”ни ўзлаштиришни текшириш керак. 13-жадвалда ушбу тест топшириғининг 3-босқичдаги ишланмаси келтирилган:

- ҳаракатни ифодаловчи феъл берилган;
- бу ҳаракат тўлиқ ифодаб берилган;
- тегишли тест топшириғи ҳам ишлаб чиқилган.

12-жадвал

ВАЗИФАНИ ТЕСТ ТОПШИРИҒИГА АЙЛАНТИРИШ

Вазифа	Тест топшириғининг шарти	Жавоблар
Муҳим воқеанинг аниқ	Ўзбекистон қайси йили	А. 1989

санасини кўрсатади	мустақилликни қўлга киритди?	В. 1990 С. 1991 Е. 1992 Ғ. 1993
Сўз билан ифодаланган ибора математик рамзга айлантирилади	Пифагор теоремасининг математик ифодаланиши (чизик ўрнига жавобни ёзинг)	$c^2 = a^2 + b^2$ қўринишдаги жавоб назарда тутилаяпти
Чизма тасвирни изоҳлайди	V, тезлик  Ушбу чизма тасвир қандай ҳаракатни акс эттиради ?	А. Текис В. Текис тезланувчан Д. Текис секинланувчан

13-жадвал

МАҚСАДНИНГ ТЕСТ ТОПШИРИҒИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ

№	Ҳаракатни ифодаловчи феъллар	Муайян ҳаракатларнинг тури	Тест топшириғининг шарти
1	Ифодалаб бериш	Ёзма ёки оғзаки равишда ўз ичига асосий қирраларни қамраб олган хусусиятларни ифодалаш	Таққосланувчан ўқув мақсадининг атамасига изоҳ бериш
2	Яқунлаш	Изоҳда бўлмаган асосий сўзни, бошқарувчи атамани киритиш орқали тўлдириш	Таққосланувчан ўқув мақсадини очик тест топшириғида ифодалаш (қўшимча киритиш)
3	Таркибларга ажратиш	Бутунликни ташкилий қисмларга бўлиш	Б.Блум таксономиясига алоқадор тавсифномалар

Қуйида жадвалга мувофиқ тест топшириқлари келтирилган:

- ТАҚҚОСЛАНУВЧАН ЎҚУВ МАҚСАДИ
А. Педагогнинг аниқ бир машғулотида талабаларни ўқитиш мақсади.
В. Талабаларнинг аниқ ўқув саволномаси асосида таълим олиш натижаси.
Д. Талабанинг аниқ фанни ўрганишдан мақсади.
Е. Талабанинг аниқ дарс мавзусини ўрганишдан мақсади.
Тўғри жавоб: В
- ЎЗ ИЧИГА ТЎЛИҚ ВА ИШОНЧЛИ СИФАТЛАРНИ ҚАМРАБ ОЛГАН ЎҚУВ МАҚСАДИ ДЕБ _____ ЎҚУВ МАҚСАДИГА АЙТИЛАДИ.
Тўғри жавоб: ТАҚҚОСЛАНУВЧАН.
- Б.Блум таксономияси категориялари ва уларнинг таркиби:
1. ТУШУНИШ
А. Бутунликни ташкил этиш тамойилини англаш.
В. Далил ва оқибат орасидаги фарқ.
Д. Ўқув мавзусини сўз билан изоҳлашдан математик изоҳлашга ўтиш.
Е. Тахминларни аниқлаш.
Ғ. Бўлажак воқеълик ҳақида тахмин қилиш.
Тўғри жавоб: 1-Д,Ғ; 2- А,В,Е.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гузеев В. От методик - к образовательной технологии. // Народное образование. 1998, N5.
2. Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник. М.: Наука, 1975.
3. Марквардт К. Развивающая система подготовки специалистов. М.: Знание, 1981.
4. Объективная оценка качества усвоения знаний учащихся и студентов. Ташкентский Технический Офис Тасис. Составители: Ян Смит, Борис Фарberman. 1999.

8-МАЪРУЗА. БИЛИМЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ДАРАЖАЛАРИ

РЕЖА:

1. Турли хил ўзлаштириш даражасига мулжалланган тест топшириклари.
2. Натижали жарафада тузиладиган тест топширикларига булган талаблар.
3. Изланувчи-ижодий даража

Турли хил ўзлаш-
тириш даражасига
мулжалланган тест
топшириклари

Тест топшириклари ўқувчиларнинг психологик ҳолатига боғлиқ равишда ўқув мавзуларининг турли ўзлаштириш даражаларини баҳолаши мумкин.

Ушбу сифатга асосан қуйидаги тўрт ўзлаштириш даражаси ажратилади:

- ахборотни билиш, ёд олиш ва сўзлаб бериш;
- маҳсулдор (репродуктив) фикрлаш;
- натижали (продуктив) фикрлаш;
- изланувчан-ижодий фикрлаш.

Эслаб қолиш,
билиб олиш ва
ахборотни
такрорлаш

Бу ўринда эслаб қолиш қобилияти билан боғлиқ бўлган билимлар текширилади:

1 мисол:

ДОИРА ЮЗИ ИФОДАСИ

A. $2\pi R^2$

B. $\frac{\pi R^2}{2}$

C. $\frac{\pi R^2}{4}$

D. πR^2

E. $2\pi R$

F. $2\pi R$

Бу топшириқ ўқувчидан πR^2 ифодасини эслаш, аниқлаш, фарқлашни талаб қилади. Бу жуда осон мисол бўлса ҳам лекин далиллар, воқеалар,

тавсифлар, ифодалар, қонунлар ва ҳоказоларни эслаб қолиш заруриятини туғдиради. Лекин бу тестни ечиш ўқувчидан фақат ахборотни эслаб қолишни талаб қилади. Амалиётда қўлланишни кўрсатмайди. Шунинг учун ахборотни ёдлаб қолиш ва уни таҳлил қилишдан ташқари тестларда билимни амалиётда қўлланиши ҳам инобатга олиниши лозим.

Қуйидаги даражадаги тест топшириқлари шу мақсадга мувофиқдир.

Махсулдор
(репродуктив)
ўзлаштириш
даражаси

Ушбу тест топшириқларида синалувчидан олдин ўрганилган тартиб асосида мустақил иш бажариш талаб этилади. Улардан олдинги ёдланган алгоритмлар, қоидаларни эслаш талаб этилади.

2-мисол:

Радиуси 2 см бўлган доиранинг юзи _____ га тенг

Бу тестни ёддан ечиш мумкин эмас, шунинг учун уни ҳисоблаш лозим.

Доира юзини ҳисоблаймиз:

1) πR^2 иборасини эсланг;

2) $\pi = 3,14$ (вергулдан кейин икки сон аниқлигида) сон жиҳатдан маъносини эсланг;

3) Радиус узунлигини квадратга олинг: $2^2=4$

4) Доира юзини ҳисобланг: $S = 12,56$

Махсулдор (репродуктив) даражасидаги тест топшириқлари педагогик йўналишдаги тестларда кенг қўлланилади. Улар ёрдамида ўрганилган тамойиллар, қоидалар қўлланиши моҳияти ўрганилади. Лекин фақатгина махсулдор сифат билан чегараланиб қолинса, кейинчалик ўқувчининг фикрлашини чегаралаб қолиши мумкин, шу сабабли тестларга янада мураккаброқ топшириқлар киритилиши лозим.

Натижали
(продуктив)
ўзлаштириш
даражаси

Бунда ўқувчи олган билимининг ноанъанавий масалаларни ечишда мустақил фикр юритишни талаб қилинади. Бу фаолият тайёр қоида ёки тасвир асосида эмас, балки ўқувчи томонидан тузилган алгоритм билан боғлиқ.

Натижали даражаси ўзлаштирилишининг педагогик технологияси 3.6 бўлимда берилган. Лекин бу даражадаги тест топшириқларининг тузилишини бошқа ўзлаштириш сифати билан боғлаш лозим.

3-мисол:

A. 3:1

B. 4:1

Халқа юзининг ички


D. 6:1

доира юзига нисбати:

E. 8:1

$R=4, r=2$

F. 10:1



Бу топшириқни ҳар хил йўллар билан ечиш мумкин. Улардан бирини кўриб ўтамыз:

$$\frac{\pi R^2 - \pi r^2}{\pi r^2} = \frac{16 - 4}{4} = 3$$


Натижали ўзлаштириш даражаси топшириқлари катта ташхис ва дидактик қийматга эга. Уларнинг бажарилиши узвий боғлиқликни,

фикрлашни, ақлий таҳлилни, алгоритм тузишни, янги ахборот тузишни талаб этади. Ўқитиш натижалари бу ҳолда билим ва тажрибага таянади.

Яна шунга эътибор қилиш керакки, келтирилган иккала мисолдаги топшириқлар бир хил - доира майдонини ҳисоблаш. Бунда фақат бир хил ифода πR^2 ишлатилади. Лекин ўқувчининг ечиш фаолияти турлича - (эслаш, намунага қараб бажариш, маълум қоидалардан алгоритмлар тузиб, масалани ечиш). Бу эса ўқитувчига бир ўқув мавзуси бўйича ўқувчиларнинг билим савиясини босқичма-босқич кўтаришга имкон берувчи тест вазифаларини (баъзида машқ сифатида, баҳо қўймай) қўллашга ёрдам беради. Педагогик технологиядаги ушбу ҳолат китобнинг 4-бўлимида ҳисобга олинган.

Продуктив даражадаги тест топшириқларига мураккаб ҳисоблашлар киритиш шарт эмас. Энг асосийси, бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган мантиқий хулосаларни ҳосил қилишдир. Масалан, 4-мисолдаги арифметик ҳисоблашлар кўпайтирув жадвалига асосланган бўлса ҳам уни 300 ўқувчидан фақат 45 фоизи тўғри ечишди холос.

4 мисол:



Чизмада 3 та квадрат берилган. Уларнинг майдони мос равишда 100, 16 ва 81 бирликка тенг. Улар юқорида кўрсатилгандек жойлашган. Учала квадратнинг PQ умумий узунлиги 21га тенг бўлиши учун ўртадаги квадратнинг майдонини қанчага камайтириш лозим?

А. $\sqrt{2}$ га В. 2 га Д. 4 га Е. 8 га F. 12 га G. Билмайман

Қуйидаги жадвалда 300 ўқувчидан иборат гуруҳдаги 4-мисолни ечиш натижалари келтирилган

Жавоб индекси	Ушбу жавобларни танлаган ўқувчилар сони	ИЗОҲ
А	28	Масалани ечишдаги нотўғри ёндашув
В	50	Ечишни тўғри бошладилар. Лекин ўрта квадрат янги томони узунлиги билан қаноатланиб тўхтадилар
Д	18	Улар ўрта квадратнинг янги юзаси таърифига етиб келдилар, лекин ечишни охиригача етказмадилар
Е.	9	Нотўғри ёндашув
Ғ.	136 (45 %)	Тўғри ечим
	59	Ҳеч қандай жавоб бермадилар


Бу топшириқ ўрта мактабларда ўқувчиларнинг математик лаёқатини текширувчи тестларга ўхшаш. Ушбу тестнинг тузилиши мураккаблиги шундан иборатки, бунга дарсликларда учрамайдиган мисоллар келтирилиши лозим. Шу билан биргаликда ўқувчининг мактабда алгебра ва геометрия фанларидан олган билимлари чегарасидан чиқмаслик лозим. Агар бу

кийинчилик енгилса, демак тест топшириқлари янги масалаларни ечишдаги ихтирочиликни рўёбга чиқаришга тўғри йўналтирилган деб ҳисобланади. Бундай “математик етуклик” қисқа муддатли ўқитиш жараёнида эмас, балки мактабдаги бутун математик курсларнинг яхши ўтилганлигидан кейин пайдо бўлади.

Яна бир марта таъкидлаш лозим, ушбу тест топшириқларидаги математик ҳисоб-китоб жуда содда ва ҳеч қандай кийинчилик туғдирмайди. Бу топшириқ ўқувчидан учала квадрат PQ узунлигини аниқлашда мантикий ёндашувни талаб қилади.


Тест топшириқлари таҳлили шуни маълум қилади: эслаб қолиш, сўнгра ифодалаш, кейин маҳсулдор ахборотга ўтиш, ундан сўнг натижали ахборотга, фикрлашга йўналтирилганлиги ўқувчиларнинг билимини назорат қилишни такомиллаштиради, уларнинг билимларини амалиётда қўллашга ёрдам беради. Ўзлаштириш савияси қанчалик юқори бўлса, фикрлаш муолажалари сони шунчалик кўпаяди. Масалан, 1, 2, 3-мисоллардаги фикрлаш муолажалари сони 1, 4, 6.

10-расмда натижали ўзлаштириш даражасида тест топшириқлари бўлган асосий талаблар умумлаштирилган.



10-расм. Натижали даражада тузиладиган тест топшириқларига бўлган талаблар

Изланувчи — ижодий даража	Маълумки, ижод-бу моддий ва маънавий соҳада янгилик барпо этиш, ҳозирча жавоби йўқ масалани ечиш. Тест топшириғи тўғри жавоб талаб қилганлиги сабабли ижодий тест топшириқларини “тоза” ҳолда тузиш мумкин эмас. Шу сабабли изланувчи-ижодий даража деб биз ижодга яқинлашувни, ноанъанавий ёндошувни, фикрлашни, фантазияни тушунамиз.
---------------------------	---

5-масала Изланувчи-ижодий ўзлаштириш даражаси 	Рассомлар бинонинг ички деворларини бўяш ва ишлов бериш билан бандлар. Деворларнинг бирида думалоқ дераза жойлашган. Безак бериш мақсадида рассомлардан доирага қаратиб узунлиги дераза баландлигига тенг 2 та вертикал чизиклар ўтказишни илтимос қилишибди. Кейин улар деразани ўраб олувчи юқоридан ва пастдан яримдоиралар қўшмоқлари лозим экан. Дераза ва
--	---

Тилла ранг бўёк билан қопланадиган майдоннинг катталиги ___ га тенг	чизиклар орасидаги сатҳ тилларанг бўёк билан копланиши керак. Ҳар бир кв. сантиметрга маълум миқдорда бўёк кетади. Иккала ярим ой сатҳини бўяш учун қанча бўёк кетади ёки уларнинг майдони нечага тенг?
--	---

Таклиф этилган масалани ечиш учун тайёр қоида йўқ, уни ишлаб чиқиш лозим (ечими қуйида келтирилмоқда).

Тажриба шуни кўрсатдики, масаланинг ечими ҳатто ўқитувчилар учун ҳам қийинчилик туғдиради. Топшириқнинг шарти доиранинг сатҳи билан боғлиқ.

5-масаланинг ечимидан келиб чиқадиган ўқитиш натижаларини трансформациялашган билимга ўхшатиш мумкин.

1-4 мисоллар ўқувчига ҳар хил тест топшириқлари бериб, уларнинг мантикий фикрлашларини ривожлантириш мумкин.

5-масалани ечиш учун дераза доирасига чет чизикларга тик бўлган иккита уринма чизик ўтказиш лозим. Ҳосил квадратга ҳаёлан устки ва пастки ярим доираларни киритиш лозим. Шунда тилларанг бўёк билан қопланадиган тўла майдон томони $2R$ га тенг бўлган квадратга киради. Тўғри жавоб $4R^2$.

8-жадвалда умумлашган ҳолда тест топшириқларининг тўртала даражаси ҳақида маълумот берилган.

8-жадвал

ҲАР БИР ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ ЮТУҒИ, КАМЧИЛИГИ, ЙЎНАЛИШИ

Даража	Нима текширилади	Ютуқ	Камчилик
Ахборотни қабул қилиш ва қайта тиклаш	Саналар, далиллар, ҳодисалар, тамойиллар, қонунлар ва бошқа ахборотларни эслаб қолиш (билим-танишув)	Бу топшириқлар билимни назорат қилишда жуда зарур	Агар тест фақат шу топшириқлардан иборат бўлса, у ҳолда натижалар ҳақиқатдан узоқроқ бўлади
Маҳсулдор фикрлаш	Эслаб қолиш қобилиятини текшириб, унинг натижаларини турдош вазиятларда ишлата билиши (билим-нусаха)	Тест топшириқларининг соддалиги Анъанавий фикрлаш кўникмаларни назорат қилиш элементлари ҳисобланади. Тест топшириқларини тузиш осонлиги	Фақат тайёр намуналар бўйича ишлашга ўргатади Ўқув муаммоларини ечишда мустақилликка кам эътибор қаратилади

Натижавий фикрлаш	Ўзлаштирган билимларини анъанавий ҳолатларда ишлата билиш қобилияти (билим-қобилият)	Ўқувчиларнинг тушуниш фаолиятини жонлантиради Мантиқий фикрлашни ривожлантиради. Янги вазифаларни ижодий ва топқирлик билан ечишга қаратилган. Бу топшириқларни ўқувчиларнинг алоҳида тайёргарлигидан кейин ўтказиш мақсадга мувофиқ Яхши ўзлаштирувчи ўқувчилар учун қўшимча вазифа сифатида фойдаланиш мумкин.	Тест топшириқларини тузиш мураккаблиги Қолоқ ўқувчилар учун мураккаблик қилиши мумкин
Изланувчи-ижодий	Тасаввур, ноанъанавий ёндошув ва фантазия (билим-қайта шакллантириш)	Олимпиадалар, тўгараклар ва ҳоказоларда ишлатиш мумкин. Бу хил топшириқлар ўзлаштиришни текшириш учун эмас, балки уларнинг ечимини намойиш қилиш учун қўлланиши мумкин.	Ижодий-изланувчанлик талаб қилганлиги туфайли бундай топшириқлар қийинчилик туғдиради. Ўқувчилар учун катта қийинчиликка эга

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гармонично развитое поколение - основа прогресса Узбекистана. Ташкент, 1997.
2. Марквардт К. Развивающая система подготовки специалистов. М.: Знание, 1981.
3. Назарова Т. С. Педагогические технологии: новый этап эволюции. // Педагогика. 1997, № 3.
4. Сластенин В. Доминанта деятельности. // Педагогика. 1997, № 9.

9-МАЪРУЗА.

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ, ВА УЛАРНИНГ ЮТУҚ-КАМЧИЛИКЛАРИ

РЕЖА:

1. Ёпик тест топшириқлари.
2. Очик тест топшириқлари.
3. Ухшашлик (мосликни) шакллантириш.

Тест топшириқларининг таркиби келтирилган 4 хил шаклларида бирини танлаш мумкин: ёпик, очик, ўхшаш-ликни шакллантириш ва кетмакетликни тартибга солиш. Тест топшириқларининг бошқа турлари ҳам мавжуд (занжирсимон, матнсимон, шароитли ва ҳоказо).

Ёпи□ тест топшири□лари

Бу хил топшириқлар шартлар (таъкидловчи ёки саволлар) ва жавоблар жамланмасидан иборат бўлиб, ундан биттаси тўғри, қолганлари нотўғри, лекин ҳақиқатга яқин. Бу топшириқ “ёпик” деб аталишининг сабаби шундан иборатки, ўқувчи ўз жавобини бера олмайди, у бир қанча берилган тайёр жавоблардан (унингча) тўғрисида танлайди. Ёпик тест топшириқларида бир неча тўғри жавоблар бўлиши мумкин. Айрим тест топшириқларида шартларни савол тарикасида бериш мумкин. Тест ишлаб чиқувчи бир қанча берилиши мумкин бўлган саволлар ичидан айнан кераклиси берилганлигига ишонч ҳосил қилиш зарур. Кейин у шартларни ва жавобларни шундай тузиш керакки, токи унга берилган жавоб юзаки эмас, ақл ишлатиб топилиши лозим.

Яхши тузилган тест топшириғи ўқувчидан ўйлаб, бутун олган билимларини ишга солган ҳолда жавоб беришига ундаши лозим. Тест топшириқлари ўзлаштирувчи учун мураккаб бўлмай, балки ўз билимини намоён этишга имконият бериши шарт.

Ёпик тест топшириқлари абитуриентларини олий ўқув юртларига киришларида, якуний ва бошқа назорат турларида ишлатилади. Улар компьютер имкониятлари билан мослашувчанлиги сабабли компьютерларга киритиладиган ўргатувчи ва назорат қилувчи тест тизимларида қўлланилади.

6-мисол. Ўқув мавзуси бўйича тест топшириқлари сони
педагогик ўлчов аниқлигига қандай таъсир қилади?

- А. Ортади
В. Камаяди
Д. Ўзгармайди
Е. Қонунийлик йўқ

Тўғри жавоб: А.

Эслатма: тест ёрдамидаги педагогик ўлчовнинг аниқлиги, турғунлиги тестнинг ишончлилиги демакдир.

7-мисол.

Ўқув жараёнининг сифати
назоратининг сифати билан -

- А. Юқори даражада боғлиқ
В. Маълум даражада боғлиқ
Д. Сезиларли даражада боғлиқ эмас
Е. Ҳеч қандай боғлиқ эмас.

Тўғри жавоб: А.

Ўхшашлик асосидаги тест топшириғи.

8-мисол. Элак-ун

- А. Фильтр-сигара
- В. Фильтр-ўпка
- Д. Фильтр-тамаки
- Е. Фильтр-тутун
- Ғ. Фильтр-ҳимоя

Тўғри жавоб: Е.

Бу тест топшириғини ечишда “элак-ун” тушунчаси калит ҳисобланади. Бу ерда элак-фильтр, ун-фильтрланувчи модда. Бундан ташқари яна бошқача ёпиқ тест топшириқлари ҳам келтирилиши мумкин.

Очиқ тест топшириқлари

Бу тест турига хоҳлаган жавобни бериш мумкин. Топшириқда таянч ибора (ёки иборалар) туширилиб қолдирилади.

Мисоллар:

9. АГАР ТЕСТ ТОПШИРИҒИДА ТАЯНЧ ИБОРА (ЁКИ БИР НЕЧА ТАЯНЧ ИБОРАЛАР) ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ СЎЗ ТУШИРИБ ҚОЛДИРИЛГАН БЎЛСА, УНДА БУ _____ ТОПШИРИҚ ДЕБ АТАЛАДИ.

Тўғри жавоб: очик тест

10. АГАР ТЕСТ ТОПШИРИҒИДА _____ ТУШИРИБ ҚОЛДИРИЛГАН БЎЛСА ВА ЖАВОБИ БЎЛМАСА, УНДА БУ ТЕСТ ТОПШИРИҒИ ОЧИҚ ДЕБ АЙТИЛАДИ.

Тўғри жавоб: таянч ибора

Очиқ тест топшириқлари дастурлаштирилган таълимда қўлланилади. Хоҳлаган жавоб берилиши мумкинлиги туфайли очик тест топшириқлари компьютер тест назорати учун ноқулайдир. Очик топшириқлар фасет шаклга эга бўлиши мумкин.

11-мисол.
Қадимги файласуф

ФАЛЕС
АНАКСИМЕН
ГЕРАКЛИТ
ПИФАГОР
ПАРМАНИД

Дунёнинг бирламчиси деб
_____ ни ҳисоблаган

(Жавоб: сув, ҳаво, олов, сон, ақл-заковат).

Фасет шакли битта очик топшириқдан уларнинг “оила”сини шакллантиришга имкон беради. Бунда текширилувчилар бир турли, аммо ҳар хил ўзгарувчили (тушунчалар, кўрсаткичлар) топшириқларни ечишади. Бу кўчириш, айтиб бериш ва бошқа тартиб бузишлар имконини қийинлаштиради.

□хшашлик (мослик)ни
шакллантириш

Бу топшириқларнинг маъноси бир кўпликнинг элементларининг иккинчи кўплик элементларига ўхшашлигини исботлашдан иборат. Бундай топшириқларда “мосликни ўрнатинг” кўрсатмаси берилиши керак.

12-мисол.

1. Билимларни назорат

А. Баҳолашдаги шахсий омил.

В. Имтиҳон олувчининг ўқувчи билан

қилишнинг тест
узули камчиликлари.

2. Билимларни назорат
қилишнинг анъанавий
узули камчиликлари

мулоқотда бўлмаслиги
Д. Баҳолашнинг дағал мезонлари
Е. Билимларни назорат қилиш
танлов хусусиятга эга.
Ғ. Жавоблар изхорининг чегараланганлиги
Н. ЭХМ ишлатилишидаги қийинчиликлар

Тўғри жавоб қуйидаги кўринишда берилади: 1-В, Ғ; 2-А, Д, Е, Н.

Тартибга солиш учун
мўлжал — ланган тест

Бу услуб берилган ҳаракат, ҳисоб-китоб,
фикрларни тўғри тушуниши текшириш.

13-мисол: ПЕДАГОГИК ТЕСТ ИШЛАШДА ҲАРАКАТЛАРНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИГА РИОЯ ҚИЛИНГ.

- А. Тестнинг турлаш рўйхатини тузиш.
В. Тестдаги топшириқлар сонини аниқлаш.
Д. Умумий ва хусусий ўқув режаларини аниқлаш.
Е. Тест топшириқларини ишлаб чиқиш.
Ғ. Тестни тажрибадан ўтказиш.
Г. Тестни тақриздан ўтказиш.
Н. Тест сифати кўрсаткичларини аниқлаш.

Жавоб индекслар кетма-кетлиги тариқасида берилади: В,Д,А,Е,Г,Ғ,Н.

15-жадвал

ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ ТЎРТ АСОСИЙ ШАКЛИНИНГ ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ

Тест топшириғининг шакли	Асосий афзалликлари	Камчиликлари
Икки жавобли ёпиқ тест топшириқлари.	Компьютерда тест ўтказишга мос келади (ихтиёрий жавоблар сони бўлган барча ёпиқ трудаги тестларга тааллуқли). Оғзаки, масалан, экспресс-назоратда ишлатиш мумкин. Ўқитувчи топшириқни ўқийди, агар ўқувчилар А жавоб тўғри деб топсалар, қўл кўтардилар. Бу тест шаклида кўпроқ ўқувчи баҳоланиши, тезлик, фикр алмашуви ва назоратни кучайтириш мумкин. Бу усул баҳодан ҳам кўпроқ, тестнинг тезлиги қизиқтирган ҳолда аҳамиятга эга. Бу усул агар жавоблар сони учдан ортиқ бўлмаслиги зарур ҳолда ишлатилади (масалан, рус тилидаги отнинг родини аниқлаш лозим бўлса: муж., жен., средний).	Тўғри жавоб топиш имконияти баланд (0,50) ва баҳолашнинг аниқлиги паст.
Уч жавобли ёпиқ тест топшириқлари. Улардан бири тўғри, иккитаси ҳақиқатга яқинроқ.	Жаҳон тест услубиятида кенг	Аниқ жавоб топиш имконияти 0,33 га тенг.

Тўрт жавобли ёпиқ тест топшириқлари. Жавоблардан бири тўғри.	тарқалган.	Тўғри жавоб топиш имконияти 0,25 га тенг (ҳамма жавоблар диққатни бир хилда жалб қилган ҳолда).
Беш жавобли ёпиқ тест топшириқлари	Бу услуб абитуриентларни олий ўқув юртига қабул қилишдек масъулиятли дамларда қўлланилади. Жавобларни тўғри топиш имконияти паст.	5 жавобли топшириқни бошқа топшириқларга нисбатан тузиш қийинроқ. Асосий қийинчилик ҳақиқатга яқинроқ нотўғри жавоблар танлашдадир.
Бир неча тўғри жавобли ёпиқ тест топшириқлари.	Кўп маротабали фикр-лашни ривожлантиради.	Баҳолаш қийинлашади.
Очиқ тест топшириқлари.	Тўғри жавобни осонликча топиш имконияти йўқ (чунки тахминий жавоблар берилмайди).	Билимлар баҳолаш доираси тораяди.
Ўхшашликни аниқлашга йўналтирилган топшириқлар.	Бу услуб бир кўплик элементларининг иккинчи кўплик элементларига бўлган ўхшашликларни аниқлашга ёрдам беради.	Баҳолар мезонини аниқлашдаги қийинчиликлар. Вазифаларнинг нисбатан катталиги.
Тўғри кетма-кетликни аниқлашга мўлжалланган топшириқлар.	Алгоритмик билимларни текширишга мўлжалланган. Бу нарса тўғри кетма-кетликни аниқлашга кўмаклашади. Бу усул нафақат назорат, балки ўрганув жараёнларида ҳам қўлланиши мумкин.	Ҳаракатнинг кетма-кетлик, ҳаракатларнинг занжирли боғланиши ҳамма вақт ҳам бир хил эмас.

Бундай кетма-кетлик тушунтирилишга муҳтож. Дастлаб тестлар сони белгиланади. Чунки бу нарса ташқи муҳит кўрсаткичлари: ўқув мавзуларига ажратилган вазифалар сони, вақт чегараси, якуний назорат топшириқлари сонига боғлиқдир. Сўнгра умумий ва алоҳида ўқув мақсадларни аниқлагандан кейингина тест турлаш рўйхатини тузиш лозим. Тестни тақризлаш эмпирик синовдан аввал ўтказилиши лозим, бунда кўзга яққол ташланадиган камчиликлар бартараф этилади. Эмпирик текширув ўтказиш эса мажбурийдир, яъни масъулиятли синовларда эмпирик текширувдан ўтмаган тестлар қўлланилиши мумкин эмас. Чунки эмпирик синов тестловнинг статистик кўрсаткичлари бўйича тест сифат кўрсаткичларини баҳолаб бериб, синовлар бошлангунга қадар унинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаб бериш лозим.

Ушбу тест топшириқларининг шакллари жуда қисқа изоҳланган. Бу ҳақда кенг қамровли маълумотни “Ўқувчи ва талабаларнинг билимини объектив баҳолаш” деб номланган ўқув қўлланмасидан олиш мумкин [13].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Дахин А. Н. Педагогический мониторинг: концепция и применение. // Школьные технологии, 1997, № 3.
2. Кларин М. В. Педагогическая технология в учебном процессе. М.: Знание, 1989.
3. Назарова Т. С. Педагогические технологии: новый этап эволюции. // Педагогика. 1997, N3.
4. Никандров Н. Д. Программированное обучение и идеи кибернетики. (Анализ зарубежного опыта). М.: Наука, 1970.
5. Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. Т.: ОЎМММИ, 2000.